Куч — адолатда

АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 6 июнь

№ 21 (412)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 июнь куни Оқсаройда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитаси раиси, "Мицуи" компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охаши раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.



2002 йилнинг июлида ўзаро стратегик ҳамкор эканлигини эълон қилган Ўзбекистон ва Япония икки томонлама муносабатларни жадаллик ва изчиллик билан ривожлантириб келмоқда. Куни кеча пойтахтимизда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб бериши шубҳасиз.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбарияти Япония билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор беришини, қарор топган муносабатларни юксак қадрлашини таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, Япония ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка катта аҳамият беради. Зеро, мамлакатларимиз нафақат иқтисодий алоқалар, балки сиёсат, жумладан, халқаро масалалар борасида ҳам кўп жиҳатдан ҳамфикр.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизга Кунчиқар ўлкадан келтирилаётган замонавий технологиялар ва жалб этилаётган япон сармояси ҳажмини оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

"БАРКАМОЛ АВЛОД" СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Авваламбор, бугунги унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда Фарғона водийсининг гавҳари бўлмиш қадимий ва навқирон Андижон заминига, чиндан ҳам бетакрор ва муҳташам мана шу майдонга тўпланган сиз, азиз ёшларимизни, барча юртдошларимни, "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг иштирокчиларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Улар қаторида энг аввало:

ёш бўлишига қарамасдан, мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлари ва совриндорлари деган шарафга муяссар бўлган ва шунга интилаётган ўғил-қизларимизни; уларни шу юксак марраларга олиб чиққан, ўз шогирдларига бутун меҳри, тажриба ва маҳоратини бағишлаган устоз-мураббийларни; фарзандларининг азму шижоати, қадди-қоматига боқиб, кўнгли тоғдай юксалиб турган барча ота-оналарни самимий қутлайман.

Мана шу ёшлик ва гўзаллик байрамини аъло даражада ўтказиш учун замонавий спорт иншоотларини бунёд этган, шу йўлда сидқидилдан хизмат қилган инсонларни, бутун Андижон аҳлини бугунги шодиёна билан қизғин табриклайман.

Уларга, қўлингиз асло дард кўрмасин, доимо омон бўлинг, ҳеч қачон кам бўлманг, деб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

"Баркамол авлод" номини олган бу мусобақаларни биз Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг яна бир саҳифаси, янги давлат, янги жамият қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлидаги орзу-интилишларимизнинг ёрқин намунаси, деб биламиз.

Биз бу спорт ўйинларини жондан азиз болаларимизнинг ўз қобилият ва истеъдодини тўла намоён этиши учун давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятлар, Ватанимизнинг салоҳияти ва эртанги кунга ишончи тобора ортиб бораётганининг амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бошланаётган ушбу беллашувлар нафақат Андижон вилоятида, умуман юртимизда амалга оширилаётган, икки-уч йил аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган беқиёс ўзгаришларни ўзида яққол мужассам этади.

Мен ишонаман, бу мусобақалар юксак савияда, ғалабага интилиш, ҳалоллик ва мардлик руҳида ўтади, ёшларимизнинг парвозига қанот беради, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан ҳимоясини ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Албатта, бундай катта спорт ўйинларининг жўшқин ва кескин қурашларга бой бўлиши, майдонга тушган ҳар бир иштирокчи зафар қозониш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этиши табиий. Шу билан бирга, бу мусобақаларда барча спортчиларни бирлаштирадиган ягона руҳ - дўстлик ва биродарлик руҳи барқарор бўлади, деб ишонаман.

Агарда кимки бизнинг бугунги хурсандчилик ва фахру ғуруримизни, шу қувончли лаҳзаларда юрагимиздан кечаётган ҳиссиётларни англамоқчи бўлса, майдон узра порлаб турган, ёшларимиз қалбининг тимсоли бўлган мана шу машъалага бир назар ташласин.

Ишончим комилки, бундай гўзал манзара, бундай улуғвор тантанага гувоҳ бўлган ҳар қандай инсон кўнглида ғурур ва ифтихор билан бирга, қадимий ва навқирон она юртига меҳр туйғулари уйғониши муқаррар.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг бошланиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Юксак марраларни эгаллашда ҳар биримизга ғайрат-шижоат, омад ва бахт ёр бўлсин, қадрли фарзандларим!

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Андижонда "Баркамол авлод" спорт ўйинлари республика финал босқичига старт берилди

СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАР БАЙРАМИ

Бугун Андижон ҳар қачонгидан гўзал ва мафтункор. Бу ерга "Баркамол авлод" спорт ўйинлари финал босқичида иштирок этадиган 2786 талабадан ташқари минглаб меҳмонлар ташриф буюрдилар. Вилоятнинг Андижон, Хонобод шаҳарлари ва Шаҳрихон, Марҳамат ва Олтинкўл туманларида "Баркамол авлод—2003" спорт ўйинлари дастуридаги спортнинг 14 тури бўйича мусобақалар бошланди.

Байрамнинг очилиш тантаналарига астойдил ҳозирлик кўрилди. У Андижон шаҳрида қад ростлаган улкан спорт мажмуининг ажойиб ўйинги-ҳида ўтказилди. Мазкур спорт мажмуида бир вақтнинг ўзида 25 спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин. У халқаро андозаларга тўла жавоб беради. Республикамиз Президенти Ислом Каримов яқинда Андижонга қилган ташрифи чоғида ушбу спорт мажмуига юксак баҳо берганлиги ҳам бежиз эмас.

Республика ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимида таҳсил кўраётган ёшлар мусобақаларининг очилиш тантаналари жаҳоннинг кўплаб телевидениелари орқали бевосита намойиш этилди. Бадиий дастурни тайёрлашда Баҳодир Абдурахимов бошчилигидаги пойтахтлик ташкилий-ижодий гуруҳ кеча-ю кундуз изланиб, иш олиб борди. Унда Андижон вилоятидаги коллеж ва мактаблардан 10 мингдан зиёд ёшлар иштирок этдилар.

Ўйингоҳга мусобақалар иштирокчилари кириб келдилар. Уларни минглаб мухлислар қизғин олқишладилар. Мусобақалар машъаласи ёқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари қатнашчиларига табриги ўқиб эшиттирилди.

Ўйингоҳ узра ранг-баранг мушаклар товланди. Республикамиз эстрада юлдузлари, этнографик дасталарнинг чиқишлари барчани ўзига мафтун этди. Хуллас мусобақаларнинг очилиш тантаналари ҳақиқий байрамга айланди.

Тўлқин СИДДИҚ,
"Алолат"нинг
махсус мухбири.

• Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Парламентимизнинг икки палатали қилиб ташкил этилиши муносабати билан шу йилнинг апрелида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг янги қонунчилик тизими ҳисобланмиш Конституциямизга қатор муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши билан халқ ҳокимятчилигини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шунингдек, сессияда Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ҳам қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Маълумки, сайловлар давлат ҳокимияти легитимлигининг муҳим қуроли бўлиб, улар сиёсий элита танловини таъминлайди, давлат ҳаёти ва давлат режими (тартиботи)ни аниқловчи тавсифномалардан бири ҳисобланади. Сайловларнинг моҳияти давлат ва унинг тузилмалари, шунингдек, маъмурий ҳудудий бирликларни муайян муддат давомида бошқарувчи партиялар ва мансабдор шахсларни аниқлашдан иборат.

Кўпчилик мамлакатларда сайловларга демократиянинг муҳим аломатларидан (белгиларидан) бири сифатида қаралади. Республикамиз ҳам бундан мустасно эмас.

Мустақиллик йилларида сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида муайян ютуқларга эришилди. Хусусан, собиқ Совет иттифоқи мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Президентлик, кейинроқ ҳокимлик институтлари жорий этилди, Конституция қабул қилинди, парламент доирасида Омбудсман лавозими жорий этилди ва ҳоказо.

2002 йилнинг 27 январида бўлиб ўтган Умумхалқ референдуми натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палаталари тўғрисида алоҳида қонунларнинг қабул қилиниши, энди эса "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига чиқарилиши мамлакатимизда демократия, халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришнинг босқичма-босқич, дадил, собитқадамлик билан амалга оширилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Лойиҳа уч бўлим, саккиз боб ва 65 моддадан иборат бўлиб, унда Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси аъзоларини сайлаш, Олий Мажлис палаталарини шакллантириш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда жамоатчилик, сиёсий партиялар ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг ўрни ва роли ҳамда бошқа қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Мен ҳам мамлакатимизнинг оддий фуқароси-сайловчиси сифатида лойиҳа билан танишиб чиқдим ва ҳеч иккиланмасдан дадил айта оламанки, у сайловлар тўғрисидаги халқаро стандартларга тўла мос келади. Бироқ, янада такомиллаштирилса нур устига аъло нур бўлур эди, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни ҳам билдирмоқчиман.

Энг аввало, лойиҳадаги принцип, норма ва шу каби бошқа сўзларнинг **тамойил, меъёр каби ўзбекча муқобили берилса,** дейман.

6-модданинг 5-хатбошисини қуйидагича давом эттиришни лозим деб ҳисоблайман: **"ва белгиланган намунадаги мандат беришни илтимос қилиб ариза билан мурожаат этадилар".** Шу модданинг 6- хатбошисидан сўнг **"7-модда. Кузатувчининг ваколатлари"** деб ёзиб қўйилса, сўнг матн давом эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

13-модданинг 7-банди **"депутатликка номзодлар"** сўзидан сўнг **"га"** қўшимчаси қўшиб қўйилса маъно тўғри англашилади.

27-моддада "сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан "ташкил этилади" дейилган. Бироқ участка сайлов комиссиясининг ваколатларига бағишланган 15-моддада бу ҳақда эслатилмаган. Таклифим: 15-модданинг 3-бандидан сўнг" **сайловчиларнинг йиғилишларини ташкил этади",** деб қўшиб қўйилса.

20-модданинг 4-хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилса фикр аниқроқ чиқади ва тўғри бўлади:**"Сиёсий партия маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри), унинг барча туман ва шаҳарларидан мутаносиб равишда эллик минг сайловчининг камида саккиз фоизи имзосини тўплаши лозим".**

22-моддада муҳим демократик қоида баён қилинган: "Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар". Тўғри, бироқ кейинчилик номзод депутат этиб сайлангач, у шу партия билан алоқани узиб қўймаслиги, аксинча унинг ишида янада фаолроқ иштирок этиши, шу мақсадда мунтазам равишда партия аъзолари олдида ахборотлар ва ҳисоботлар билан чиқиб туриши мазкур партия нуфузини анчайин оширишга олиб келади деб ўйлайман ва буни қонунда бирор бир тартибда мустаҳкамлаб қўйилса, айни муддао бўлур эди.

27-модданинг иккинчи хатбоши, иккинчи жумласидаги "йиғилишлари" сўзидан сўнг **"округ ва"** сўзларини қўшиб, шундан кейинги **"участка сайлов комиссияси"**даги **"си"** ўрнига **"лари"** деб қўшиб қўйилса, мантиқан тўғри бўлур эди. Чунки, 13-модданинг 9-бандига мувофиқ округ сайлов комиссияси "депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади".

27-модданинг 3-хатбошисида партиялар ва депутатликка номзодлар тўғрисида сўз боради. Фикримча, улар (асосан партиялар дастурлари) коллегиал органлар: бюро, пленум ва ё конференцияларнинг бирида тасдиқланган бўлиши керак (тахминан ёки у ёрбу ердан кўчириб келинган цитаталар тўпламидан иборат бўлмаслиги керак). Қонун лойиҳасида шу ҳақда ҳам бир оғиз ёзиб қўйилса, дейман.

54-модда "Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисининг ваколатлилиги" деб номланган. Менимча у модданинг мазмунига унчалик мос келмайди. Ҳақиқатда давлат ҳокимият вакиллик органларига Олий Мажлис ҳам киради. Модда мазмуни эса айнан шу органни истисно этади (тақазо этмайди). Таклифим, шу моддани бундай деб аташ керак:**"54-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қўшма мажлисларининг ваколатлилиги".**

Юқоридаги фикрлар лойиҳанинг аҳамияти ва обрўсига путур етказмайди, аксинча уларни тўлдиради, деб ўйлайман.

Умуман олганда янги таҳрирдаги мазкур лойиҳа қабул қилинса, ўйланманки, у нафақат Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қоидалар тўплами, балки мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи-янги икки палатали Олий Мажлисга сайловларни демократик тарзда ўтказишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Али ЗУЛФИҚОРОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг доимий асосда ишловчи сайлов комиссияси котиби, А.Навоий номидаги СамДУ ҳуқуқшунослик кафедраси доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Демократия ва биз

ЖУРНАЛИСТДАН НЕГА ҲАДИКСИРАЙСИЗ?

ёки ахборот олиш кафолати ва раҳбар илтифоти хусусида

Корхона раҳбари мухбир ногаҳонда йўқлаб келишини кутмаган экан, шекилли, бизни истар-истамас қабул қилди. Гувоҳномани анча вақт синчиклаб кўздан кечирди. Сўнгра кўзойнак остидан синовчан тикилиб:—сурат ёнига босилган муҳр сал қийшайганроқми, ўқиёлмаяпман,—деди.—Тагин гувоҳномани қалбакилаштириб олган бўлманг...

Шу тобда у биз билан сухбатлашишдан кўра корхона учун "бегона" кишининг шахсини аниклаб олиши муҳимдек шошилмай сўраб-суриштирарди. Ниҳоят мухбир ҳақиқатлигига ишонди, шекилли столи устида турган пахта гулли чойнакдан чой қўйиб узатди.

—Лекин, ука мендан ахборот олишингиз учун аввал ҳокимдан рухсат сўрашингиз керак,—деди мақсадимизни эшитгач.—Хафа бўлмайсиз, бизда тартиб шунақа.

Ана халос! Шунча сўраб-суриштиришлардан сўнг бўёғи қизиқ бўлди-ку. Корхонадаги аҳволга доир икки оғиз маълумотни билиб олиш учун мухбир ҳокимдан ижозат сўраши керак экан. Ахир ахборот олиш кафолатлари, журналистнинг ҳуқуқ бурчлари қаерда қолди?

Афсуски шундай ҳолатга ахён-ахёнда бўлса-да дуч келиб турибмиз. Раҳбар журналистдан ҳадиксирайди. Унга ортиқча маълумотларни айтиб, муаммолардан хабардор қилгач "катта"нинг калтаги бошида синиб қолишидан хавфсирайди.

Юқоридагига ўхшаш сухбат Жомбой туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалигида бўлиб ўтган эди. Раис матбуотдан нега ўзини олиб қочганини кейин тушундик. Вилоятдаги ҳамкасбларимиз қаддини кўтаролмай юрган бу хўжалик ҳақида ўз вақтида куйинчаклик билан мақола ёзиб раисга роса ташвиш орттиришган экан.

Яқинда вилоят давлат солиқ бошқармасига янги тайинланган бошлиқ журналистлар билан учрашиб ўз режаларини баҳам кўришни лозим топди. Бундай саъй-ҳаракатни чин дилдан қўллаб-қувватлаш керак. Раҳбар матбуотга илтифот кўрсатаяптими, демак у жамоатчилик фикрини қадрлайди. Аммо янги бошлиқ устма-уст ёғилаётган саволлар қаршисида роса "терга" ботди. Ахир журналистлар кўпроқ масалаларга ойдинлик киритилишини хоҳлашарди. Шу алпозда ҳамкасбларимиздан бирининг соликчилик фаолиятига доир фалон маълумотни кимдан олиш керак, деган саволига дабдурустдан "Сизга шундай ахборот кераклиги ҳақида олдин бизга маълумотнома келтиринг" деган жавоб қайтарилди.

Журналистлар орасида дув қулги кўтарилди. Ахборот билан ишлайдиган, мансабдор шахслардан зарур маълумотларни ҳеч қандай монеъликсиз олиши зарур бўлган мухбир энди ҳар битта ахборот учун маълумотнома қўлтиклаб юрсая?

Бизнес жамғармасининг вилоят бўлимида ҳам худди шундай талабни илгари қўйишди: маълумотнома олиб келинг, расман жавоб қайтарамиз. Оғзаки савол-жавобларга вақтимиз йўқ!

Баъзан корхона раҳбарлари ютуқларни ҳам матбуотдан яширишга ҳаракат қилишади. Рости улар жиноятчилик эмас, текширувчилар назарига тушишдан чўчишади. Негаки келган тафтишчи кўпинча ютуқлар четда қолиб камчилик излашга тушади, раҳбарни ҳам жамоани ҳам ишдан қолдириб хунибийрон қилиб ташлайди. Шундай бўлгач "гап ташувчи" мухбирга кимнинг ҳам кўзи учиб туради, дейсиз.

—Ариза ва шикоятлар асосидаги журналистик суриштирувлардан ўзимизни анча тийиб олганмиз,—дейди вилоятдаги ҳамкасбларимдан бири.—Шикоятни керакли ташкилотга йўллаймиз, жавобини улар беришсин, хат мулайфига.

Ҳамкасбимнинг таъкидлашича журналистик суриштирув баҳона корхонани "элакдан ўтказишга" иштиёкманд мухбирлар ҳам кўпайиб қолганмиш. Бу эса таъмагарликдан, матбуотни обрўсизлантиришдан бошқа нарса эмас.

Дўстимизнинг мулоҳазаси хайрон қолдирди. Ахир журналист ортиқча шубҳалардан ўзини холи тутиши учун ўзгаларни ҳимоя қилмаслиги керакми?

Ҳар хил таъна, дошномлардан, айникса раҳбарлар томонидан қулоққа айтиладиган огоҳлантиришлардан эҳтиёт бўлиб сиртига сув юқтирмасликка ҳаракат қилиб юрадиган журналистдан жамиятга қанчалик наф?

Журналистик суриштирув ўтказиш учун бирор-бир корхонага ташриф буюрган мухбирга шубҳа билан қараган раҳбар ўз ўрнини омонат деб билади, шу боис уйдаги гапни кўчага чиқармасликка интилади. Якинда шундай раҳбарлардан бири билан учрашишга, жамоадан тушган шикоятни биргаликда мухокама қилишга тўғри келди. Директор шикоят мазмунига эмас кимлар унга имзо қўйишгани билан қизикди. Орадан ҳиёл вақт ўтмай ариза ёзишга жазм қилган ходимлардан бир нечтасини ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарибди. Корхона учун "ноқулай" одамлар эмиш улар. Хўш, шундай ўзбошимчаликдан кейин мухбир кимни ёқлаб ёзиши керак?

— Муаллим ила муҳаррир жамиятнинг икки кўзидур,— деб ёзган эди самарқандлик маърифатпарвар олим Саидризо Ализода. — Бу кўзлар жамиятдаги инсоний муносабатларга доим хушёр назар солиб туриши керак. Турмушнинг қоронғу сўқмоқларига куёш нурини олиб кирувчи бу нигоҳлардан яширишга уриниш эса гумроҳликдир.

Зохир ТЎРАҚУЛОВ.

ЮКСАЛИШЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Демократик тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз глобал ўзгаришлар жараёнини бошидан кечирмоқда. Дунё ҳамжамиятида ўз мавқеи, ўз ўрнини белгилаб олган Ўзбекистон ишончли истиқбол сари дадил одимлаяпти. Бугунги ўзбек ўзини, ўзлигини англади. Ҳақ-ҳуқуқи, эркинлигини англади. Чунки бизда инсон олий қадрият ҳисобланади. У қонун ҳимоясидадир. "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги мулоҳазаларимни айтишдан олдин Конституциямизга киритилган ўзгаришларнинг нечоғлик давр талабига мослигини таъкидламоқчиман.

Бош Қомусимизга киритилган ўзгаришлар замирида ҳам аввало, инсон манфаати, юрт равнақига дахлдорлик мужассам. Аммо бир жиҳатни унутмаслик лозим. Жамиятни ривожлантириш, давр талабига мослашиш, келажакда олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, сайлов тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга моликдир.

Буни ҳаётни ўзи кўрсатиб турибди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўлида ижил амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг, ривожлантириш ва юксалиш йўлидаги интилишларимизни яққол ифодасидир. Унинг ҳар бир сатрида демократик жамиятнинг устуни Қонун ва фақат Қонун эканлиги эътироф этилади.

Қонун лойиҳасининг 3-бўлим, 5-бобидаги сайлов олди ташвиқотига депутатликка номзодлар фаолиятининг кафолатлари билан бир қатор сайловчиларнинг бурч ва масъулияти, ҳуқуқ имконият ва имтиёзлари кафолатлари тўғрисида ҳам модда киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки аниқ бўлсада, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маънавияти, дунёқараши давр талабига етарли даражада жавоб беради, деб бўлмайди. Ўзи сайлаб қўйган депутат олдидаги ўз ҳуқуқ ва имтиёзларини билмайди. Сайлов ўтганидан кейин сайланган депутатни умуман унутиб юборади. Ваҳоланки, фуқаро Парламентга ўз хоҳиши, талаб ва таклифларини фақат ўша депутат орқалигина етказиш имкониятига эга.

Баҳодир НАЗАРОВ,
Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Газ таъминоти: муаммолар ҳал этилмоқда

ҲИСОБИНИ БИЛГАННИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Бу йил Паркент туманидаги хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш тугалланади

Худди шундай. Бу ҳеч бир муболағасиз рост гап. Мамлакатимизда биринчи бўлиб Тошкент вилояти Паркент туманидаги барча истеъмолчилар, аҳоли хонадонларига газ ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Шуни айтиш керакки, Паркент ҳудудий жиҳатдан унча катта бўлмаган туман ҳисобланади. Бу ерда 13.870 та хонадон газлаштирилган бўлиб, бу аҳолининг 74 фоизини ташкил этади. Туман газ таъминоти идораси ходимлари хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш моҳиятини англаб, бу муҳим ишни изчил, собитқадам амалга ошира бормоқдалар.

Аслида Паркент туманида етказиб берилаётган газнинг ҳисобини олишга бўлган ҳаракат 90-йилларда бошланган эди. Бу ҳақда шу соҳада 25 йилдан бери ишлаб келаётган, малакали мутахассис, туман газ таъминоти шаҳобчаси бошлиғи Миркомил Тўйчиев ҳикоя қилади:

—Илгари биз газни Қибрай тумани орқали олар эдик. Бир куни раҳбарлар олинган газ билан сотилган газ ўртасида фарқ бор экан, шу пулни бошқа туманлар қатори тақсимлаб қўйдик, келиб маълумотларни олинг,—деб чақириб қолишди.

Ҳар сафар туманларнинг бу ҳақидаги йиғилишларида ҳеч ким пул тўлагиси келмай тортишув ва келишмовчиликлар бўлар, бир қарорга кела олмай, кўп ҳолларда асоссиз бўлсада, раҳбарнинг айтгани бўларди. Бу ва шунга ўхшаш асосли ва асоссиз даъволар сабаб бўлди-ю, газ ҳисоблагич ўрнатмасак, бундай ғалвадан қутилмас эканмизда деган қатъий фикр хаёлга мустаҳкам ўрнашди. Бу масалада туман ҳокими ўринбосари Аъзам Рўзитаев бизни қаттиқ қўллаб қувватлади. Шундай қилиб, 1993 йилда Паркент туманига ўтадиган қувурга газ ҳисоблагич ўрнатилди.

Дарҳақиқат, ана ўшандан бери Паркент тумани газчилари барча ҳисоб-китоб ишларни ўша ҳисоблагич рақамлар асосида олиб бормоқдалар. Бошқа туманлардаги газчилар билан ҳеч бир келишмовчилик йўқ.

Туман газ таъминотчилари бу билан чекланиб, хотиржам бўлиб қолганлари йўқ. Ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари ва кўрсатмалари асосида аҳоли хонадонларига ҳам газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари қизғин давом этмоқда. 1999 йили газ тушириллган хонадонларнинг 15,2 фоизига газ ҳисоблагичлар ўрнатилган эди. Айниқса, 2002 йил бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Тумандаги мавжуд 18 та маҳалла, 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинига мухандис-техник ходимлардан иборат мутахассислар 30 та звенога бириктирилиб, улар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Бундан ташқари ҳисоблагичларни ўз вақтида келтириш, ўрнатиш, пулини ундириб олиш, ҳисоботни юритиш ишларга идоранинг барча ходимлари жалб этилди. Қилинган ишлар ҳар сешанба куни туман ҳокимиятида таҳлил этиб борилади. Натижада 2002 йилнинг ўзида 3812 та хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатилди.

Туман газ таъминоти идораси газнинг беҳуда йўқотилишига барҳам беришга ҳам қатъий ҳаракат қилмоқда. Унинг ҳар бир куб метрини ҳисобга олиб, ускуналарнинг соз ва пухта ишлаши доимий назоратга олинган. Айниқса, газдан ноқонуний фойдаланишга чек қўйишга қаттиқ киришилган. Ўтган йили газдан ноқонуний фойдаланаётганлар аниқланиб, улардан қарийб ярим миллион сўм атрофида жарима ундириб олинди. Бу йил ҳам ана шундай 7 та ҳолат топилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилди. Газчилар тўлов қарзларини камайтириш борасида маҳаллий бошқарув идоралари билан изчил иш олиб бормоқдалар.

Собиржон САЛИМОВ.

Тараддуд

КОМБАЙНЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Оққўрғон туманида ғалла етиштириш салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, ғалакорлар ўтган йили 7800 гектар ерга дон сепиб, ҳар гектар майдондан ўртача 42,5 центнердан ҳосил олган эдилар. Миришкорлар кузда 8 минг гектар майдонга барака уруғи қадашган. Бу йил ушбу майдонлар ҳосилдорлигини яна ҳам ошириш учун ғаллакорлар катта меҳнат қилдилар.

Деҳқонларда "йилдан йилнинг фарқи бор", деган гап бор. Хусусан, бу йил ғаллакорлар учун, айниқса, ноқулай келди. Баҳор серёғин, об-ҳаво одатдагидан анча паст бўлди.Аммо ғаллакорларнинг фидокорона меҳнати туфайли бошоқлар бўлиқ, ҳосил мўл. Бироқ ғалланинг пишиб етилиши деярли 15 кунга кечикди.

Ана шундай шароитда даладаги бор ҳосилни қисқа муддатларда, мисолини нобуд қилмай ўриб-янчиб олиш муҳим аҳамият касб этади. Буни қалбдан ҳис этган туман Машина трактор парки акциядорлик жамияти мухандис-техник ходимлари, комбайнчилари мавсумни муваффақиятли ўтказишга шай бўлиб туришибди.

Хусусан, жамият ихтиёрида бўлган 12 та Кэйс комбайнлари тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилганига анча бўлди. Шунингдек, жамоа созловчилари хўжаликлардаги комбайнларни мавсумга тайёрлашга ҳам кўмак беришди.

-Ўрим-йиғимни тез ва соз ўтиши учун пухта тадбирлар ишлаб чиққанмиз,-дейи акциядорлик жамияти раиси Турғун Ҳасанов.- Шунга кўра ҳар бир комбайн билан камида 550-650 гектар ердаги ҳосилни ўриб-янчиб олишни режалаштирганмиз. Мақсадга эришиш учун барча ўрим-йиғим техникаси иложи борича самарали ишлатилади. Мавсум иштирокчиларининг яхши ишлашларини таъминлаш мақсадида дала бошида иссиқ овқат ташкил этилади. Уларнинг мириқиб дам олишлари таъминланади. Барча жиҳозлар билан таъминланган кўчма устахона ташкил этилган. Хуллас, ғалла ўримйиғимини 20 иш кунида якунлаймиз.

Ҳа, оққўрғонлик ғаллакорларнинг доим сўзлари билан ишлари бир бўлиб келган.Туманда айни кунлардаги мавсум тараддуди бу йилги улкан марра албатта эгалланиб, юксак ғалла хирмони яратилишидан далолат бериб турибди.

Каримжон РИХСИЕВ, "Адолат" мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Акциядорлик жамияти раисининг биринчи муовини Нуриддин Абдурахмонов, бўлим бошлиғи Абдуҳолиқ Аҳтамов ва комбайнчи Шуҳрат Кенжаев билан. 2. Илғор комбайнчи Баҳодир Кўлдошев.

Р. АЛИЕВ олган суратлар.

Зиёратгоҳдан репортаж

ДАМ ОЛАСИЗ, ШИФО ТОПАСИЗ

Авлиёси кўп халқнинг имони бутун, зиёратгоҳи кўп юртнинг эртаси нурафшон, эътиқоди мустаҳкам элнинг насибаси улуғ бўлади. Ўтган ўн-ўн икки йилда мамлакатимиз вилоятларида кўплаб муқаддас жойлар аниқланди ва улар зиёратгоҳларга айлантирилди. Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманидаги «Кечирмас бобо» зиёратгоҳи ана шундай муқаддас жойлардан бири. Яқинда мен шу ерда бўлдим.

- «Кечирмас бобо» зиёратгоҳи шу жой, - деди Тўрткўлдан бизни элтиб қўйган киракаш ҳайдовчи.

Дастлаб биз бир гуруҳ қурувчиларга дуч келдик.

- Зиёратгоҳ учун дарвоза қуряпмиз, - деди бизга ўзини меъмор Бахром Ражабов деб таништирган новча йигит. – Пойдеворни тиклаб бўлдик, Худо хоҳласа, дарвоза қурилишини яқин кунларда битказамиз.

- Шундан кейин нима қиласизлар?

- Меҳмонхона қурамиз, - деди Бахром Ражабов. – Унинг ҳам деярли ярмини битказиб қўйганмиз. Мана бу шербилак йигитлардан фақат иккитасини уста сифатида чақирганмиз, қолганлари зиёратга келиб, шу ерда дарслардан ҳалос бўлиб, энди маълум вақт хизмат қилишни ихтиёр этганлар. Жумладан, Эркин билан Бахтиёр Хонқадан, Жавлон Тахтакўпирдан, Меливой Хазораспдан, Абдукарим Қашқадарё вилоятидан. Қўллари гул йигитлар.

Пиёда ва машиналарда зиёратга келаётганларнинг кети узилмайди. Биз ҳам ҳамма қатори «Кечирмас бобо» мақбарасини зиёрат қилдик, авлиё отанинг руҳи покларига дуо қилдик. Сўнгра айланиб зиёратгоҳни кўздан кечирдик. Ёрмбахш ғўзал бир маскан. Улкан мачит, мақбара, зиёратчилар учун ётоқ жойлар, ошхона, чойхона, беморлар ўқиладиган катта зал, ёзги айвонлар ва ўндан ортиқ ёғоч сўрилар, ҳовузлар, таҳоратхона, қудуқ, гумбазли меҳмонхона сингари кўплаб хизмат билан боғлиқ иншоатлар – бутун бир ғўзал комплекс сизни лол қолдирса, боғлар, сабзавот ва полиз экинзорлари, товусдек товланиб турган гулзорлар ҳар қандай кишини мафтун этади. Бу Боғи Эрамнинг соҳиби Оллоҳнинг назари тушган инсон Тўхтабой ака Болтабоев бўлса, соҳибаси у кишининг турмуш ўртоғи, оқила аёл Омина опадир. Бу ишга қўл уришни уларнинг кўнглига Оллоҳ солди. Парвардигор Эгамнинг хоҳиш-иродаси билан «Кечирмас бобо» зиёратгоҳи муқаддас жойлардан бирига айланди ва шундай манзара касб этди. Бу ерга ҳар куни юзлаб зиёратчилар ташриф буюришади ва дилларини поклаб, маънавий озиқ олиб, шайтоний ҳиссиётлардан ва таналаридаги дардлардан ҳалос бўлиб қайтишади. Баъзи оғир дардларга йўлиққанлар тузалганларидан кейин бироз вақт хизмат қилиб қолишади. Зиёратгоҳнинг тикланиб, оромбахш ва кўркам масканга айланишида ана шуларнинг хизматлари катта.

Биз зиёрат қилиш билан бирга руҳий табиблар – Тўхтабой ака билан Омина опанинг шифобахш сеансларидан бахраманд бўлиб, шифо топиш учун Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятларидан ҳамда Тошкент шаҳридан келган ўнлаб зиёратчи беморлар билан суҳбатлашдик.

- Мен саксонинчи йилда самбо бўйича собиқ иттифоқ чемпиони бўлган чироқчилик Саиднаби Жалоловман, - дейди қирқ беш ёшлардаги гавдали киши. – Кейинги йилларда қанд касаллигидан қийналаётгандим. Охирги пайтда инсулинсиз яшай олмайдиган бўлиб қолдим. Бу ерга келганимга бир неча кун бўлди. Зиёратим ва шифобахш сеанслар туфайли қанд касаллигидан бутунлай қутилдим. Энди қурашиб юрганимда қолдирган асоратлардан қутиляпман. Илоё, Тўхтабой ака билан Омина опага Оллоҳдан қайтсин!

Айтгандай, улар Ўзбекистон Халқ Табобати Академиясининг рухсати (лицензияси) билан руҳий табиблик қилишяпти. Биз бу ерда бўлган куни "Евроньюс" телеканалининг уч нафар ходими келиб, эрталабдан кечгача бутун жараённи тасвирга туширди. Бундан олдин БИ-БИ-СИдан келишган экан. "Труд"да ёза мақола босилди. Зиёратгоҳга дунё миқёсида қизиқиш катта.

Бир пайт ҳаммани тушликка чорлашди. Ошхонада юздан ортиқ кишига тушлик овқат тайёрланибди. Ошпазлар – Назокат билан Интизорнинг қўли-қўлига тегмайди. Чиройли лаганларда шовла торгиляпти. Биз ҳам бир лаган олдик.

- Пули қанча бўлади, қизим? – сўрадим Назокатдан.

- Бепул, ош бўлсин! – деди у.

- Фақат менгами?

- Йўқ, ҳаммага!

- Бу ерда пуллик нарсанинг ўзи йўқ, - қўшимча қилди Интизор.

Зиёратчилардан бири: "Яхшимуроднинг чойидан ичмабсиз дунёга келмабсиз" деб қолди. Айтишларича, унинг баки-ю чой қозони куну тун қайнаб турар экан. Қурук чой ҳам зиёратгоҳ ҳисобидан.

Ўша куни бир ҳўкиз сўйилди.

- Иссиқ кунда гўшт ҳидланиб қолмайдими? – сўрадим бу ишга бош-қош бўлиб юрган Расул деган йигитдан.

- Бу ерда бир килоси ҳам қолмайди, ҳозироқ ҳаммаси хайр-эҳсон қилинади, - деди у.

- Кимларга?

- Кам таъминланган оилаларга, етим-есирлар ва ёрдамга муҳтож одамларга.

Шундай деб, у қўлимга туман ва шаҳар ҳокимликларидан, маҳаллалар оқсоқолларидан тушган руйхатларни тутқазди. Жами 120 киши. Улар асосан Қиблиқалъа туманидаги маркази – Бўстон шаҳрининг Тошкент, Бўстон, Ибн Сино, Абай маҳаллаларида, Тўрткўл, Элликқалъа, Берунийнинг туманларининг марказларида, шунингдек "Ал-Хоразмий", "Қирқ қиз", "Боғибеғ" хўжаликларида турувчи кишилар. Шу куни енгил машиналарда уларнинг ҳар бирига икки килограммдан гўшт тарқатилди.

Зиёратгоҳга оқшом чўкди. Зиёратчилар боғу-гулзор оралаб, тоза ҳаводан бахра олишгач Тўхтабой аканинг кечки шифобахш сеансларига киришди. Қишлоқ жой эмасми, одамлар айни руҳий ором олишаётган пайтда свет ўчиб қолди. Кимдир:

- Равшан! – деди.

Электрчи дарҳол движокни ҳаракатга келтирди. Катта зал яна нурафшон бўлди. Энг муҳими, руҳий муолажа қалбларни ёритди. Шундай, бу ерда нафақат дам оласиз, шифо топасиз, балки руҳий жиҳатдан ҳам озиқланасиз, тетик, бардам-бакувват бўласиз. Илоё, Парвардигор Эгам пок ниятли ҳар бир инсоннинг қалбини эътиқод нури билан ёритсин! Зиёратимиз қабул бўлсин.

Иброҳим НОРМАТОВ, "Туркистон-пресс"

Ислоҳот ва самара

ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

Ўтган йилнинг бошида Бағдод мебел фабрикаси ўзининг мебел ишлаб чиқариш технологияси жиҳатидан Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкентдаги "Файз Холдинг" компанияси таркибига киритилиб, "Файзли Бағдод" масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Корхонага бағдодлик тадбиркор Муҳаммаджон Деҳқонов раҳбар этиб тайинланди. Корхона ишлари ривожланиб кетди.

Юртимиз мустақилликка эришган 1991 йилда Муҳаммаджон эндигина 21 ёшга кирган ва кўнглида бир олам орзулари бор эди. Эркинлик шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилганидан унинг қувончи ичига сиғмасди. Шунинг учун у ўзи яшайдиган "Хазиний" жамоа хўжалигидан цех қуришга ер олди ва 1993 йилдан ўз цехида эшик-дераза, стол-стуллар турли ҳажмдаги сўрилар тайёрлай бошлади. Тез орада унинг кичик корхонаси ривожланиб, кўп тармоқли "Аброр" хусусий ишлаб чиқариш фирмасига айлантирилди. Фирмадаги уч цехдан бири мебел ишлаб чиқаришга мослаштирилди. У ўз фирмасида тайёрлаган турли маҳсулотлари билан Республикамизда ўтказилаётган тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг "Ташаббус" танловларида муваффақиятли қатнашиб, 1997-1998 йилларда кетма-кет вилоят ҳамда республикада ғоликлар сафидан жой олди. 1999 йилда у мебел тайёрлашга ихтисослаштирилган цехини Бағдод марказидаги бир пайтлар ёпилиб кетган фабрикага кўчириб келди. Корхонада рақобатбардош замонавий мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дастлаб Германиядан 2 та янги "Optimat F 13" маркали фрезерлаш аппаратларини олиб келишга эришилди. Сўнг аҳоли ва мижозлар талаби ўрганилиб, улар асосида сифатли ва арзон мебеллар ишлаб чиқаришга киришилди. Янги йўлга қўйилган мебеллар орасида мактаб ва боғча мебеллари ҳам бор эди. Бу ерда корхона айни мана шу маҳсулотлари билан мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари учун замонавий ўқув жиҳозлари тайёрлаб бериш юзасидан Фарғонада ўтказилган тендерда иштирок этиб, 15 жамоа ўртасида ғолибликни қўлга киритди.

Тендерда ғолиб чиқилгач, корхона жамоаси биргина Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси билан 2002 йилга мактаб мебеллари учун 450 миллион сўмга шартнома тузиб, буюртмани аъло даражада бажарди. Ҳозирда водийнинг қолган вилоятлари маорифчилари билан ҳам битимлар тузилган. Энди водийдаги кўпгина мактаблар учун мебеллар Бағдоддан олиняпти.

Корхона янгидан ишга тушгач, 100 нафардан зиёд бағдодлик ёшлар иш билан таъминланди.

"Файзли Бағдод"нинг довруғи кўшни туманларга ҳам тезда етиб борди. Иқтисодий қийинчилик туфайли тўхтаб, пароканда ҳолга келиб қолган Риштон мебел корхонаси жамоаси ҳам бағдодликларга кўшилиш истагини билдирдилар. Ҳозирда корхонанинг Риштон филиалида ҳам ишлар яхши йўлга қўйилган ва у ерда 70 иш ўрни очилган.

Шу кунларда Бағдоддаги учта цехда ишлар конвейр усулда олиб борилиб 40 хилга яқин замонавий мебеллар тайёрланмоқда.

Муҳаммаджон Деҳқоновнинг қилаётган ҳайрия ишлари ҳам талайгина. Ўзининг "Аброр" кичик корхонасидаги соф даромадидан ўзи ўқиган 11-мактабга янги ўқув корпусини қуриб бермоқда. Шунингдек, сўнгги йилда 15 нафар ҳамқишлоқ онахонларга "Чимён" ва "Иссиқсув" сиҳатгоҳларига йўланмалар олиб берди. Қишлоқдаги 50 га яқин ёрдамга муҳтож оилаларнинг, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан ҳам ҳар доим ҳабар олиб туради. Унинг бу борадаги юмишлари ҳақида маҳалладошлари: "кечки томон унинг уйи олдида одамлар гўё тиш ҳокимининг қабулига тургандек турнақатор бўлиб туришади", дейишди. Булар эса Муҳаммаджоннинг саховат бобидаги ишларидан бир шингил холос.

Ҳа айтмоқчи, 2002 йили Республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари қаторида Бағдоддаги "Аброр" кўп тармоқли хусусий фирма раҳбари Муҳаммаджон Деҳқонов ҳам бор эди. У "Шуҳрат" медалига сазовар бўлди.

—Яқин орада мебел корхонамизда сомондан ДСП ишлаб чиқарамиз. Бундай қурилма 8 миллион АҚШ доллари атрофида туради,—дейди у.

Адҳам ДАМИНОВ.

•Иқтисодиётимиз одимлари

Республикамиз ҳукумати мамлакатимиз халқ хўжалигини турли металларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасалардаги муддатини ўтаб, темир-терсакка айланган қора ва рангли металломларни қайта эритиб, шаклга солиш,ишлов бериш, сайқаллаш, пардозлаш ва уларни мақсадли йўналишларга сарфлашга алоҳида эътибор бермоқда.

ЭҲТИЁЖДАН ОРТГАНИ ЭКСПОРТГА

"Ўзбекметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг кейинги йилларда эришаётган ютуқлари мисолида ҳам буни кўришимиз мумкин. Бирлашма металлурглари жорий йилнинг биринчи чорагида режада кўзда тутилганига нисбатан яқин тўрт минг тоннадан зиёд иккиламчи металл темир-терсакларини хом-ашё сифатида қайта эритишга қабул қилиб олгаллигининг ўзиёқ фикримизнинг ёрқин далилидир.

Эслатиб ўтиш жоизки, комбинатда реконструкция ишлари мудом давом этаётган бўлишига қарамай, унинг асосий маҳсулот ишлаб чиқариш цехларида металл прокатларини тайёрлаш жараёни узлуксиз йўлга қўйилган. Натижада комбинат меҳнат аҳли мамлакатимиз халқ хўжалигида, хусусан, қурилиш, кон-металлургия, машинасозлик саноатида кенг қўлланиладиган арматура ҳамда металлоконструкцияга бўлган эҳтиёжлари республикамизда тайёрланган маҳсулотлар ҳисобига қондирилиб, уларни четдан валюта эвазига олиб келишнинг бирмунча чек қўйилганлиги қувончли ҳолдир, албатта.

Шуниси диққатга сазоварки, сифатли тайёрланган металл прокати билан мамлакатимиз истеъмолчилари талаб-эҳтиёжларини қондиришдан ташқари,13 миллион АҚШ доллари миқдоридаги саноат хом-ашёси турли хорижий мамлакатларга экспорт қилинган. Яқин орада комбинат тўла қувват билан ишга туширилиб лойиҳа кўрсаткичига эришилганидан сўнг, иккиламчи хом-ашёдан металл прокати ишлаб чиқариш ойига 1,5 баробар ортади.

Шу боис, мамлакатимиз халқ хўжалигини металл прокатга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш билан айни пайтда экспорт салоҳиятини ошириш, тармоққа хорижий инвестиция ва инвесторларни кўпроқ жалб этиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир.

Яқинда Бекободдаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металлар парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва муваффақиштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилишида ушбу мавзу кенг муҳокама этилди.

Йиғилишни бошқарган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков, унда иштирок этган тегишли вазирликлар, компания, ассоциация, уюшмалар, бирлашмалар, агросаноат комплекси, идора ва ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хом-ашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи ташкилот раҳбарларига мамлакатимизда стратегик аҳамиятига эга бўлган яғона металлургия комбинатини белгиланган режага мувофиқ ўз вақтида узлуксиз равишда иккиламчи металл хом-ашёси билан таъминлашдек устувор вазифаларни белгилаб берди.

Холмирза МАТКАРИМОВ.

ТОЛАГА ОЛТИН СОВРИН

"Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси Бутунжаҳон сифат қўмитасининг "Сифат маданиятини яратиш" дастури бўйича таъсис этилган олтин совринига сазовор бўлди. Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган мазкур қўмитанинг 5-анжуманида турли соҳаларда энг юқори сифат кўрсатгичига эришган корхоналарни тақдирлаш маросимида "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раҳбари Рустам Жўраев Бутунжаҳон сифат қўмитаси раҳбаридан олтин совринни қабул қилиб олди.

Акциядорлик бирлашмаси корхоналарида ишлаб чиқилган пахта толасига хорижда талаб ортиб боряпти. Айниқса АҚШ, Швейцария, Франция, Австрия, Италия, Германия, Англия, Белгия мамлакатларининг буюртмачилари Қашқадарё пахта толасининг сифатини юқори баҳолаб, ҳамкорлик истагини мустаҳкамлаш ҳақида фикр билдиришмоқда.

— Бир сўз билан айтганда, бу олтин совринни Қашқадарё деҳқонининг меҳнатига берилган юксак мукофотдир, - деди "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик жамиятининг раиси Рустам Жўраев "Туркистон-пресс" мухбирига. 166 мамлакат ичидан ғолиб чиқиб, қувонмай бўладими? Қолаверса, қанча-қанча мамлакат вакиллари бизнинг толамизга харидор бўлаётир.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган Хелебушкина номидаги 22-сонли меҳрибонлик уйида болалар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда санъаткорларнинг ажойиб куй ва дилрабо қўшиқлари янгради. Бундан ташқари болаларнинг ўзлари қўшиқлар айтиб, рақсга тушишди. Турли саҳна асарларини намойиш этишди.

Болалар-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болажонларни Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўз ҳомийлигига олган. Шу сабабли байрамга университетнинг бухгалтерия ва аудит факультети ҳамда фалсафа кафедраси ўқитувчилари ҳамда талабалари бош-қош бўлишди. Университет томонидан меҳрибонлик уйига 200 минг сўм пул ўтказилди. Бундан ташқари болалар учун ёзги ва қишки кийим-кечаклар, ўқув қуроллари, шахмат-шашка, суратли альбомлар совға қилинди. Университет томонидан ўқув парталари ҳам берилди.

Байрам сўнггида болажонлар байрам дастурхонига таклиф этилди. Шу билан бирга бу йил ўқишга кирувчиларни бепул репетиторлар билан таъминлашни университет жамоаси ўз зиммасиги олди.

Дилфуза РАҲМАТОВА, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кафедраси катта ўқитувчиси. Нигора РАҲИМБОБОЕВА, доцент.

Ўзбекистон Конституциясини ўрганамиз

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган ҳар бир давлатнинг сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланишича, халқ, давлат ҳокимиятининг ягона манбаи ҳисобланади. Давлат эса ўз навбатида халқ иродасини акс эттиради ва унинг манфаатларига хизмат қилади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт".

Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Яъни давлат ҳокимияти органларининг барчаси инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун масъулдирлар. Бу масаланинг аҳамияти жуда юқори эканлиги сабабли уни назорат қилиб бориш ҳам давлат ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи томонидан амалга оширилиши назарда тутилади. Бу борада, суд ҳокимияти органларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Суд органларини ислоҳ қилиш негизида ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари учун хизмат қилиш ётади. Бу ҳусусида Президент Ислом Каримов шундай фикр билдирган эди: "Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлако янгича, демократик тамойилларга асосланган. Ў, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоясининг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади". Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи фикримизнинг яққол исботидир. Шу билан бир қаторда Конституциямизнинг 116-моддасида таъкидланганидек: "Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд иши юритилган ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади". Бу кафолатлар эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Суд органларига бу борада қатор масъулиятлар юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди-фуқаролик, жамият ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Унинг томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агарда фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқларидан норози бўлса, юқори суд органларига, ҳатто Республика Олий Судига мурожаат этиши мумкин.

Айни вақтда, Олий Суд ҳам ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқларини эркинликларини бузилиши билан боғлиқ, ишларни судларда кўриб чиқилиши ва адолатли ҳал этилиши устидан назорат олиб бораси. Бу бир томондан суд ҳокимиятининг масъулиятини ошириса, иккинчи томондан эса, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишида ноҳақликларга йўл қўйилишини олдини олиш учун хизмат қилади. Шу билан бир қаторда шу соҳада суд ҳокимиятининг обрўсини ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалалари фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва унинг тизимидаги суд органларигагина тааллуқли бўлиб қолмасдан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди ва Олий хўжалик суди фаолиятининг ҳам асосий қисмини ташкил этади. Шу сабабли, фуқароларнинг бу кафолатларини таъминлаш механизмларини юзага чиқаришга эришмоқ зарур.

Наргиза ИСЛОМОВА.

Хўжалик судлари фаолиятидан

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари қўлами кенгайиб бораётган ҳозирги даврда давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Аёнки кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқий саводхонликни, ҳуқуқий маданиятни талаб этадиган тизимга айлангани ҳам давр тақазосидир. Жиззах вилоят хўжалик судининг раиси, юридик фанлари номзоди Комилжон СИНДОРОВ билан суҳбатимизни ҳам шу муҳим жараёнлар билан боғлиқ саволлардан бошладик.

–Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раҳбарияти ва Жиззах вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Республикада илк бор Жиззах вилоят хўжалик суди ҳузурида тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув маркази ҳамда "Тадбиркорлар уйи" ташкил этилганидан хабардормиз. Республикамизда биринчи бўлиб амалга оширилган бу ягона янгиликдан бугун кўпчилик тўлқинланмоқда. Аслида уддасидан чиқиб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Сизлар қўл урган бу янгилик ҳам бугун кўпчиликнинг манфаатига хизмат қилмоқда...

—Шу янгиликни хис этишнинг ўзиёқ бизга катта рағбат бағишлайди. Бу ҳам албатта замон билан ҳамнафас иш юритиш, бугунги кун талабларига ҳозиржавобликнинг ифодасидир. Тан олиш жоиз. Айни вақтга қадар вилоятда хусусий тадбиркорлар, фермерларга тадбиркорлик алифбосини ўқитишни ҳеч ким ўз зиммасига олмаган эди. Ушбу ўқув марказининг бош мақсадитадбиркорларга соҳани ташкил этиш асосларидан бошлаб унинг фаолиятини оёққа турғазиш давригача бўлган жараёнлар учун ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, амалий ёрдамлар кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шу билан биргаликда тадбиркорларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари юзасидан ҳам тушунчалар беришдан иборат. Тадбиркор қонунлар моҳиятини англамаса бирон бир масала юзасидан кимга мурожаат қилишни, ўзларининг қонуний ҳуқуқларини нималарга иборат эканлигини тушуниб етмайди.Бу эса ўз-ўзидан турли муаммоларга сабаб бўлади. Ўқув марказида тадбиркорларга, деҳқон ва фермерларга, корхона раҳбарлари ва эгаларига, халқ хўжалигида фаолият юритаётган ҳуқуқшунос ходимларга хўжалик ҳуқуқи соҳасида доимий маслаҳатлар ва тушунчалар бериб борилиши режалаштирилган.

Очигини айтиш керакки, баъзи фермерларимиз ҳали ҳам эски тузумдаги оддий деҳқон кишиси даражасида қолишмоқда. Улар ўз психологиясидаги собиқ тузум пайтида амал қилган бўйруқбозликдан ҳалигача қутилаолишаётгани йўқдай гўё. Оқибатда сиёсатнинг аграр соҳадаги тизими, уларнинг масъулиятли раҳбар шахс сифатидаги ўрни ҳаётда тўлиқ ифодасини топмаётгандек. Шу боис айрим ҳолларда уларнинг ҳуқуқлари паймол бўлмоқда. Эндигина ташкил этилган фермер хўжалиги ўзининг бошига тушган ноқонуний ишлар ёки муаммоларни бартараф этиш учун қаерга мурожаат этишни, кимга боришни, нимани талаб қилишни, ҳаттоки, аризасида нималарни ёзишни ҳам билмайди. Шу билан бирга амалиётда айрим мансабдор шахслар томонидан кўпинча тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамиятига тегишли баҳо берилмаяпти. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўлида турли-туман бюрократик тўсиқларнинг ўрнатилиши тадбиркорларни қийин аҳволга солиб қўяди. Бу кўп ҳолларда тадбиркорларнинг ва давлат хизматчиларининг қонун талабларини билмасликлари натижасида рўй беради. Қонунчиликни нотўғри талқин этиш, ўз қучини йўқотган ҳужжатларини қўллаш ва шунга ўхшаш кўп ҳолатлар асоссиз ва ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига олиб келади.

Мазкур "Ўқув маркази" ва "Тадбиркорлар уйи" тадбиркорларга қонун ҳужжатларида берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмун-моҳиятини тўла ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг турли жиҳатлари билан янада кўпроқ танишиш имконини яратади.Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, "Тадбиркорлар уйи"да судга мурожаат қилаётган фермерларга амалий ёрдам бериш, уларнинг ариза (даъво аризаси) ва бошқа тегишли ҳужжатларини бепул расмийлаштириши кўзда тутилган.

"Ўқув маркази" ва "Тадбиркорлар уйи"да бугун мижозлар учун барча қулайликлар яратилган.Илгарилари хўжалик судига мурожаат қилишда давлат бож тўлови ва суд-почта ҳаражатларини тўлашда содда тадбиркор, фермер қайси банкка боришни, қайси банк реквизитига пул тўлашни билмай сарсон бўлиб юрган ҳоллар кўп бўлган эди. Эндиликда бундай оворагарчиликка чек қўйилиб, ушбу хизматларни кўрсатиш учун вилоят "Халқ банки"нинг шахобчаси ишлаб турибди. Почта хизматлари ҳам шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув маркази Жиззах вилояти филиалининг барча ходимлари қайтадан таъминланиб, бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган: энг сўнгги технологиялар, замонавий компьютер жиҳозлари, турли хил янги ҳуқуқий адабиётлар, "Интернет" тармоғига уланиш каби хизматлар кўрсатилади. "Тадбиркорлар уйи"да эса тадбиркорлар учун девонхона моллари сотиладиган дўкон, овқатланиш ва дам олиш хоналари ҳам ташкил этилган.

"Ўқув маркази"да хўжалик қонунчилиги, шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларига доир ўқув машғулотларини вилоят хўжалик судининг судьялари, юқори малакали мутахассислар, шунингдек, адлия, банк, солиқ, божхона ходимлари, вилоят фонд ва товар биржалари мутахассислари олиб боришади. Машғулотларга ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар жалб этилади. Тингловчиларга машғулотлар курсининг якунида "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув марказининг сертификатлари топширилади. Мазкур "Ўқув маркази" ва "Тадбиркорлар уйи"нинг ташкил этилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг узвий давоми ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга бўлган ишлардан бири десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришида асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор.

–Глобал ўзгаришлар жараёнида одамларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ривожланиши табиий. Ижтимоий ҳаётда бу ҳолат кузатиляпти. Шундай экан, ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоят хўжалик суди тимсолида бу ҳақда нималарни таъкидлаган бўлар эдингиз?

-Тўғри айтиб ўтдингиз. Ҳаёт ўзгармоқда. Шунга монанд ривожланиш ҳам. Буни вилоят хўжалик судимиз фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Қуйидаги факт ва рақамларга бир эътибор беринг: Жиззах вилоят хўжалик суди томонидан 2002 йил мобайнида 3855 та низолар ҳал этилди. Бу 2001 йилдагига нисбатан низоларни ҳал этиш ишини 2,5 баробар кўпайганлигини ҳам ифодалайди. Яна ҳам ойдинлаштирадиган бўлсак, хўжалик судларига бугун талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Биргина даъвогарлар фойдасига 22 миллиард сўм ундириб берилди. Республика бюджетига 230 миллион сўм маблағ туширилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирокидаги 1590 та ишлар ҳал этилиб, уларнинг фойдасига 631 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди. Биргина 2003 йилнинг 1 чорагида кўрилган (2000 та) ишларни олайлик: уларнинг сони 2001 йилда кўрилган жами ишлар сонидан ортикдир. Бошқачасига айтганда, хўжалик, судида кўрилаётган ишлар сони ўтган йилларгагига қараганда 500 фоизга ошган. Суд қарорларига асосан, даъвогарлар фойдасига ундирилаётган сумма ҳам мос равишда ошмоқда.

2003 йилнинг биринчи чорагида кичик ва ўрта бизнес субъектлари, шу жумладан деҳқон, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорларнинг жами 71 даъво аризаларини мазмунан кўриб чиқдик ва уларнинг фойдасига 91.781.000 сўм пул маблағлари ундириб берилди.

—Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонига асосан хўжалик судларида ишларни кўриш давомида аниқланган конунбузарликлар бўйича жиноят иши кўзғатиш, айбдорларни моддий, интизомий ва маъмурий чорага тортиш ваколати берилган. Бу борадаги ишлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

–Фармонга кўра, судъяларимиз томонидан 2002 йил давомида 11 та жиноят иши кўзғатилди. 342 шахс маъмурий, 146 шахс моддий, 130 шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 17 та мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. 2003 йилнинг биринчи чорагида 3 та жиноят иши кўзғатилди, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ишлар сони 200 тани ташкил этди. Мазкур моддий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ишлар сони 85 та (жарима суммаси 1.436.000 сўм)дан иборат бўлди. Интизомий чорага тортиш ҳақидаги ишлар сони эса 12 тага етди.

-Бизнингча, иқтисодий соҳада қонунбузилишларнинг олдини олишда суд, маҳаллий ҳокимият, прокуратура, адлия, давлат солиқ, ижро департаменти ва бошқа идоралар ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга...

—Албатта, вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий соҳадаги қонунлар ва Президент Фармонларининг ижросини таъминлашда хўжалик судларининг маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бугун вилоят қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг ташаббуси ва ташкилоти билан вилоятда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Республикада илк бор эксперимент тариқасида муқаддам амалда бўлган ширкат, жамоа хўжаликларига қайта ташкил этилиб, деярли барча қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар узоқ муддатли ижара шартномасига асосан фермер хўжаликларига берилган эди. Айни пайтда вилоятда 12 мингга яқин фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Жамоа, ширкат хўжаликлари базасида фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашмалари сифатида уларга моддий-техникавий, агротехника, агрохимия ва бошқа сервис хизматларини кўрсатувчи, шартномаларни тузиш ва бажарилишини таъминлашда кўмаклашувчи, ҳуқуқий ёрдам беришни амалга оширувчи агросервис марказларининг ташкил этилаётганлиги вилоятда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда муҳим қадам бўлди. Бу тадбирлар ерга муносабатни ўзгаришига, қишлоқда мулкий муносабатларнинг ривожланишига, оддий деҳқоннинг ўз меҳнати натижаларидан кўпроқ баҳраманд бўлишига сабаб бўлмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг илк натижаларини бера бошлади.

-Фикрингизни фактлар асосида изоҳласангиз?

-Марҳамат: 2002 йилда фермер хўжаликлари томонидан амалдаги нархда 48 миллиард 842,4 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликлари ихтиёрига 16 минг тонна ғалла қолдирилди. Давлатга пахта сотиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари пилла, мева, узум, сабзавот, гўшт, сут каби чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажардилар. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган умумий маҳсулотлар ҳажмида деҳқон хўжаликларисиз ҳисобланган фермер хўжаликлари салмоғи 79 фоизни ташкил қилди. 2002 йилда вилоятда давлатга ғалла сотиш шартномавий режаси ошиғи билан бажарилди. Ғалла етиштиришга ихтисослашган 6927 та фермер хўжалигидан 4362 таси давлатга дон сотиш шартномавий режаларини уддаладилар. Ғаллачиликда ишлаб чиқариш ўтган 2001 йилга нисбатан 1,3 марта, 31 фоизга, ҳосилдорлик гектарига 6 центнерга ошишига эришилди.

Ер-ҳавонинг ноқулай келишига қарамасдан вилоятда давлатга пахта сотиш ҳажми ўтган йиллардагидан юқори бўлди, пахта етиштирувчи 6085 та фермер хўжаликлари 1638 таси шартномавий режаларини бажардилар. 4447 та фермер хўжаликлари эса давлатга пахта сотиш бўйича контракция шартномаларини бажара олмадилар. 282 та фермер хўжаликлари давлатга умуман пахта топширмаганлар. Шунга қарамасдан пахтачиликда рентабеллик 1 фоизга, қишлоқдорлик гектаридан 7 центнерга кўпайди.

—Демак ҳамма ишлар риёсоладагидек экан-да?

—Йўқ, нега энди. Камчиликлардан ҳам ҳоли эмасмиз. Кўпчилик фермер хўжаликлари томонидан ердан самарали фойдаланилаётган бўлсада, айрим фермерлар ердан бошқа мақсадларда фойдаланиб, белгиланган режадаги экинларни кам экмоқдалар. Албатта, бундай ҳолатларни яшириб бўлмайди. Ўтган йили вилоят бўйича 688 та фермер хўжалиги режадагига нисбатан 4 минг гектар ерга пахтани кам эккан. Шундан 269 та фермер хўжалиги умуман пахта экмаган ва умуман пахта топширмаган.

Ердан мақсадсиз фойдаланган, ерни талон-торож қилган, агротехник ишловлар бермай ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига олиб келган фермер хўжаликларига нисбатан туман ҳокимликлари томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, вилоят хўжалик судига ер учун бўлган ижара шартномаларини бекор қилиш тўғрисида даъво аризалари киритилди.

Вилоят хўжалик суди томонидан ўтган йилда биргина ери ижарага бериш, ердан фойдаланишга оид 800 тадан ортиқ низолар кўриб чиқилди.Ерни узоқ муддатга ижарага олган қўплаб фермер хўжаликлари ўзларида ерга эгалик ҳиссини туйғон ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Бироқ, баъзи фермерлар ерни ҳар эҳтимолга қарши "керак бўлиб қолар" деган мақсадда олиб қўймоқдалар ёки ердан фақат ўз шахсий мамлакатлари йўлида фойдаланиб келмоқдалар.

—Бу ҳолат бартараф этилиши учун ўз вақтида чора-тадбирлар белгиланган бўлса керак?

—Албатта туман ҳокимликларининг ерни узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномаларни бекор қилиш ҳақидаги 555 та даъволари қаноатлантирилиб, ердан шартномага хилоф равишда мақсадсиз фойдаланаётган фермерлардан 15203 гектар ер майдони қайтариб олинди.

Хўжалик ишларини кўриш жараёнида аниқланган ерни талон-тарож қилиш ҳолатлари юзасидан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, 13-0202/ 25.36-сонли хўжалик ишини кўришда Зарбдор туманидаги "Андижон" ижара ширкатлар бирлашмаси раиси Б.Кўзибоқаров ўз мансабини суиистеъмол қилиб, "Бобур—Н" фермер хўжалигининг 15 гектар ерини ўзбошимчалик билан бошқа вилоятлардан келган фуқароларга полиз маҳсулотлари етиштириш учун маҳсулотларни бир қисмини ўзи олиш шарти билан бериб юборган. Вилоят хўжалик судининг 2002 йил 9 октябрдаги қарори билан Б.Кўзибоқаровга Ўзбекистон Республикаси Жкнинг 205-моддаси 2-қисми "а"банди, 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Айбдорлар суд томонидан тегишли жазога тортилдилар. Шунингдек, вилоят судининг 13-02/918-сонли хўжалик ишини кўришда Зарбдор тумани Й.Курбонов номли фермер хўжаликлари уюшмаси собиқ раҳбари Х.Намозов ўз мансабини суиистеъмол қилиб, тумандаги "Темур-3" фермер хўжалиги раҳбари У.Умаровга давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш режа-топшириғини камайтириб беришни ваъда бериб, фермер хўжалиги ихтиёридаги пахта етиштиришга мўлжалланган 10 гектар ерни бошқа фуқароларга соҳта шартнома асосида қовун-тарвуз экиш учун бериб юборганлиги, натижада фермер хўжалиги ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказганлиги аниқланган.

Шу муносабат билан Й.Курбонов ва фермер хўжаликлари уюшмаси собиқ раҳбари Х.Намозовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб айбдорлар тегишли жазога тортилдилар. Мазкур иш бўйича вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Зомин туманидаги "Зардор" (60 гектар), "Бунёд-2" (20 гектар), "Фероз-3" (16 гектар) фермер хўжаликлари ўзларига берилган ер майдонларига давлат буюртмасида кўзда тутилган пахта экмасдан полиз маҳсулотлари етиштиришган. Бу билан фермер хўжалиги ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси мажбуриятлари ва "Ер тўғрисида"ги Қонуннинг 36-моддаси талабларини қўпол равишда бузган. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан фермер хўжаликлари билан тузилган ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномалари бекор қилиниб, ер майдонлари қайтариб олинди.

Зомин тумани ҳокимлиги жавобгар "Боймурод ота" фермер хўжалигига нисбатан ерни узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисида тузилган ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан бизга мурожаат этди. Яъни, фермер хўжалиги режалаштирилган 26 гектар ер майдонига пахта экиш ўрнига атиги 10 гектарига пахта эккан. Ушбу иш юзасидан туман ҳокимлиги вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар "Боймурод ота" фермер хўжалиги ва "Голиб" ширкат хўжалиги ўртасида тузилган 2001 йил 25 апрелдаги 312-сонли ижара шартномаси бекор қилинди. Ер участкаси ширкат хўжалигига қайтарилди. Шунингдек, вилоят хўжалик судининг 13-0202/3963-сонли хўжалик иши бўйича даъвогар Зарбдор тумани ҳокимлигининг жавобгар тумандаги "Ортиқмуроджон" фермер хўжалигига нисбатан ерни узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисида тузилган ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан, яъни, фермер хўжалигининг жами 95,8 гектар ерини ширкат хўжалигига қайтариб олиш тўғрисидаги даъвоси қўйиб чиқилди. Суд ишни кўриш жараёнида шу нарсани аниқладики, фермер хўжалиги 30 гектар ер майдонига пахта экмаган, ушбу ер майдонидан ноқонуний мақсадларда-шахсий манфаати учун фойдаланиб келган ва ўзининг шартномавий мажбуриятини қўпол равишда бузган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги ва ширкат хўжалиги ўртасида тузилган ижара шартномаси бекор қилинди. Фермер хўжалигининг ер майдони ширкат хўжалигига қайтариб олиб берилди.

—Одил судловнинг амалга оширилиши авваломбор, суд ҳужжатининг ижроси билан самарадор. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалар, ташкилотлар мансабдор шахслари ва мансабдорлар учун мажбурийдир" деб белгиланган...

—Фикрингизни тушундим. Ҳақиқатдан ҳам айрим банк муассасалари томонидан суд қарорлари ижросини таъминлаш лозим даражада йўлга қўйилмаганлиги, тадбиркорлар фойдасини қўлаб чиқарилган катта миқдордаги суд ҳужжатларининг ижроси пайсалга солинаётганлиги ташвишланарлидир.

Асосиз равишда ижросиз турган суд ҳужжатларининг ҳаволини ўрганиш ва сансалорликнинг олдини олиш мақсадида Жиззах вилоят хўжалик суди ва унинг қошида фаолият кўрсатаётган "Суд ҳужжатлари ижроси устидан назорат олиб борувчи ишчи гурухи" томонидан 2002 йилнинг 2-ярим йиллигида қатор банк муассасаларида текширишлар ўтказилди. Текширув жараёнида банк муассасаларининг масъул ходимлари томонидан қўпол равишда камчиликларга йўл қўйилганлиги, жавобгарларнинг банк варағида суд ҳужжати ўз ижросини талаб қилиб турган бир вақтда банк бўлинмаларининг масъул ходимлари суд ҳужжатига менсимасдан қараши оқибатида бошқа хил банк операциялари ўтказилганлиги аниқланди.

Суд томонидан ушбу ҳолатлар албатта эътиборсиз қолдирилмади. АТ "Савдогарбанк" Жиззах бўлими бошқарувчиси бўлиб ишлаган К.Эргашев 90700 сўмга , банк бўлимининг ўзи 2 миллион сўмга жаримага, шу банкнинг Бахмал тумани бўлими бошқарувчиси Г.Саидова ва бош ҳисобчиси Д.Жонқуловлар 45 минг сўмдан жаримага тортилди. Шу билан биргаликда АТ "Туронбанк"нинг Жиззах вилояти бўлими, АТ "Асакабанк"нинг Жиззах вилояти бўлими ва бошқа банк бўлинмаларининг мансабдор шахсларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимномалар киритилди.

Амалиёт банк идоралари томонидан субъектларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган иш билан бирга фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш ўзларининг маблағларини ўз вақтида ўтказиб бермаслик ёки фермерларнинг банкдаги пул маблағларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш каби иллатларга барҳам берилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, "Тадбиркорбанк"нинг Учтепа бўлими мансабдор шахсларининг айби билан Жиззах туманидаги "Акбар" фермер хўжалигининг розилигисиз унга тегишли 480 минг сўмлик маблағ бошқа корхоналарга турли хил мақсадлар учун ўтказиб юборилган.

Вилоят хўжалик судининг қарори билан фермер хўжалиги манфаатлари тўла тикланиб, асоссиз ўтказиб юборилган сумма ва етказилган кўп миқдордаги зарар фермерга банкдан ундириб берилди. Айбдор банк ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатиш учун материаллар прокуратура идораларига юборилди.

"Асакабанк"нинг Жиззах вилояти бўлими ва Зарбдор тумани Й.Қурбонов номли деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли Зарбдор туманидаги "Танги" фермер хўжалигининг 313 минг сўмлик маблағни соҳта ҳужжатлар асосида Й.Курбонов номли деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига қонунсиз равишда ўтказиб юборилган эди.

Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан фермер хўжалигининг талаби қаноатлантирилиб, унга тегишли асоссиз олиб қўйилган пул маблағлари ва моддий заррар ундириб берилди.

Ҳужжатларни соҳталаштириб, улардан ғараз мақсадларда фойдаланган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан ЖК нинг 209-моддаси 1-қисми аломатлари билан жиноий иш қўзғатилди.

—Шартнома шартларининг бажарилмай қолиши корхонани банкрот ҳолатига тушуриши мумкинми?

—Авваломбор, корхонанинг иқтисодий таъминланганлик даражаси, молиявий барқарорлиги раҳбарнинг салоҳияти, тажрибаси, ислоҳотлар моҳиятини нечоқлик тушунишига боғлиқ. Қолаверса, шартнома шартларининг бажарилиши, ижро интизоми ҳар қандай корхонада ҳисоб-китоб ишларининг ўз вақтида амалга оширишга имкон яратади. Иқтисодий қудратли корхона бозор иқтисодиёти шароитида синмайди. Хўжалик судида кўрилаётган ишларнинг каттагина қисми шартномаларни ижро этиш билан боғлиқ низолардир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят хўжалик суди томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик юзасидан 2002 йилда жами 2164 та даъво аризалари мазмунан кўриб чиқилди. Шулардан 1955 таси қаноатлантирилди. Даъвогарлар фойдасига 19 миллиард 141 миллион 293 минг сўм ундирилиб берилди. Ушбу ҳолат бўйича 2003 йилнинг биринчи чорагида 1581 та даъво аризалари келиб тушган бўлса, шундан 1555 таси мазмунан кўриб ҳал этилди ва 6 миллиард 836 миллион 113 минг сўм ундирилиб берилди. Шуниси ачинарлики, айрим корхоналар раҳбарларининг шартнома мажбуриятларини бажаришга масъулиятсизлик билан қарашлари оқибатида корхоналарга жиддий зиён етказилмоқда. Биргина мисол хусусий тадбиркор Ю Ашуров 2001 йилда "Дўстлик дон маҳсулотлари" ОТАЖга шартнома асосида 3,8 миллиард сўмлик сита маҳсулоти етказиб берган. Товарни қабул қилган корхона қисқа муддат ичида унинг ҳақини тўлаб беришга кафолат берган. "Дўстлик дон маҳсулотлари" корхонаси шартнома шартларига беписандлик билан қараб, тадбиркорнинг ҳақини тўлаб беришни ўзларига эп кўрмаганлар. Тадбиркор роса бир йил корхона раҳбарининг ҳузурига қатнаган... Аммо бу чопа-чоплар ҳеч қандай натижа бермаслигига амин бўлган тадбиркор охири хўжалик судига мурожаат этди.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан жавобгардан Ю Ашуров фойдасига 3,8 миллион сўм асосий қарз, 2,4 миллион сўм жарималари билан ундирилиб берилди. Шу ўринда масаланинг бошқа бир томонини ўйлаб қолсан киши: "Дўстлик дон маҳсулотлари" ОТАЖ раҳбарининг биргина шартномани бузиши корхонага 2,4 миллион сўмлик зарар келтирди, акциядорлик жамияти аъзолари манфаатларига жиддий зиён етказилди. Тўғри хўжалик суди томонидан корхона раҳбари моддий жавобгарликка тортилди. Аммо, бу жамият аъзоларига етказилган заррни қоплайдими? Бу эса охир оқибат корхонани банкрот ҳолатига олиб келади. Биргина жорий йилнинг ўтган 5 ойида 23 та корхона суд томонидан банкрот деб топилди. Мазкур ишларни кўриб чиқишда корхоналарнинг банкротлик ҳолатига тушиши сабаблари чуқур таҳлил этилмоқда.

Таҳлиллар натижасига кўра ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қарашлари, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилганликлари оқибатида корхонани иқтисодий ночор аҳволга олиб келган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи қатъиятлик билан ҳал этилди.

2002 йилда Жиззах шаҳридаги "20 сонли автобус саройи" хиссадорлик жамиятининг раҳбари Ш.Рашидовга Ўз.Р. ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а", "г" бандилари ва 207-моддаси 1-қисми билан, Фориш туманидаги "64-сонли Механизациялашган кўчма колонна" хиссадорлик жамияти раҳбари Я. Бурановга Ўз.Р. ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди ва 207-моддаси 1-қисми билан жиноят ишлари қўзғатилган эди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Жиззах шаҳридаги "1-сон қурилиш материаллари комбинати" корхонаси (раҳбари Н. Ғаффоров), "Жиззахқурилиш" тресті бошқармаси хиссадорлик жамияти (раҳбари Х.Носиров), Фориш туманидаги "3 сон Механизациялашган кўчма колонна" хиссадорлик жамияти (раҳбари А. Абдуқодиров) раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Жиноят кодекси"нинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди ва 208-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

—Хўжалик судларининг нуфузи, кундан-кунга ортиб бораётганлиги, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг судларга бўлган ишончи ошиб бораётганлиги ҳаммага маълум. Назаримда, бугун хўжалик судларининг туман бўғинларини очиш зарурияти янада кучаймоқда.

—Бу биринчидан, хўжалик судларида ишлар сонининг сезиларли ошиши билан изоҳланса, иккинчидан, тадбиркорлик субектларининг фақат вилоят марказларидагина жойлашган хўжалик судларига 150-200 километр масофадан келиб мурожаат этишларидаги қийинчиликларда намоён бўлади.

Бу муаммони қисман ҳал этиш мақсадида вилоят хўжалик суди томонидан ишларни жойларга чиқиб, сайёр суд мажлисларида кўриш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Тадбиркорларга қулайроқ бўлиши учун 2002 йилда 1300га яқин ишлар бевосита жойларга чиқиб, кўриб чиқилди.

Бизнингча, хўжалик судларининг туман бўғинларини ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади.

Хўжалик судида йилдан-йилга иш ҳажмининг кўпайиши фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик судларига бўлган ишонч ва уларнинг собиқ тотолитар тузумидаги судга нисбатан бўлган қарашларининг тўбдан ўзгарганлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда Жиззах вилояти хўжалик суди томонидан одил судловни амалга ошириш, мамлакатимизда давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини татбиқ этишда мустақил суд ҳокимиятининг механизмини тартибга солувчи ижобий ишлар қилинмоқда ва бу ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Улар ўз навбатида тараққиётимиз кафолатига айланаяпти.

Суҳбатдош:
Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.

Маънавият сабоқлари

ҲАЛОЛЛИКНИНГ ХОСИЯТИ

Муборак Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида: "Тозалик, поклик—иймондандир", дейилган. Бир куни Пайғамбаримиз мўмин кишининг уйи олдидан ўтиб кетаётсалар, эшик олдида турган шайтони лаъинга кўзлари тушиб қолибди.

Ундан:

—Бу ерда нима қилиб турибсан?—деб сўрабдилар.

—Шу уйда бир жанжал чиқармоқчи эдим. Бу уйнинг ҳовлиси ниҳоятда озода экан, демак, бу ерда истиқомат қилаётганлар аҳилдирлар. Шу важдан бу ҳовлида ишим ўнгидан келмаганидан жуда хафа бўлиб турибман,- дебди у.

—Ҳа, бу оила фариштали, сен эса нопок, қаровсиз жойларда бўлмоғинг керак. Бу ерда сенинг қиладиган ишинг йўқ,—дебдилар Расули Акрам (С.А.В).

Алқисса, шайтони лаъин, покиза, озода, саронжом-саришта ва аҳил оилага киролмасдан, кетишга мажбур бўлибди. Ҳа, тозалик, аҳиллик фазилатининг мартабаси катта бўлар экан. Бунга амал қилиш билан эса, бахтли ва тотув бўлиб яшашимизга замин яратган бўлар эканмиз. Демак, маҳаллалар қанчалик обод, қанчалик озода, одамлари қанчалик аҳил бўлса, демакки, бу маҳаллада ҳамма нарса яхши эканлигидан далолат беради.

Тотувлик ҳукм сурган маҳаллада, албатта қўни-қўшнилар иноқ, аҳил яшайдилар. Файзу барокат ҳам тотувлик ва озодаликка боғлиқ бўлади. "Оила, мактаб ва маҳалла" дастури доирасида маҳалла ёшларига озодалик, поклик, тозалик ва ҳаллоллик тарбиясини сингдириш муҳим қилиб қўйилган. Кимки, оилада шу ҳолатга эътиборни кучли қаратган бўлса, албатта мактаб ва маҳаллада ҳам бу тарбия давом эттирилиб, мустаҳкамланиб борилмоғи керак. "Юртим—Ватаним, маҳаллам—уйим" дегани шу! Бу умуминсоний қадриятларнинг камол топишида маҳаллани ўрни беқиёсдир.

Фазлиддин ака Мусабоев деган ҳамшаҳаримизнинг айтишларича, у киши ёшлик пайтларида тенгдошлари билан қўшнисининг катагида тухум ўғирлашибди. Ҳамсояси болаларни сезиб қолибди ва Бурхониддиннинг ота-онасини бу воқеадан огоҳ этиб-ди. Кечқурун оилада Бурхониддин масаласи муҳокама этилибди.

—Сендек ўғри боланинг отаси бўламанми?—дебди ранжиб отаси.

—Сендек нопок боланинг онаси бўламанми?—дебди қойиниб онаси.

—Оиламизга иснод келтирдинг—дебди ўксиниб акаси...

Хуллас, фикр қатъий, жазо табиий бўлибди. Бурхониддин иккинчи бундай ишга қўл урмасликка сўз берибди ва эртасиёқ ўртоқлари билан қўшнисиникига бориб, кечирим сўрабди. Шу-шу ўғирлик қилмайдиган бўлибди.

Ҳа, Бурхониддин бобонинг бу изтиробли қайдлари бугунги ёшларимизга ибрат бўлгусидир. Тарбиянинг катта-кичиги бўлмайди. Тарбия қандай бўлмасин, албатта одамни тўғри йўлга, яхшиликка бошлайди. Унинг мазмун-моҳияти ҳам худди ана шу жиҳати билан кўзга ташланиб туради.

Азизлар, бу фоний дунёга азизу мукаррам инсон бўлиб келишлигимизнинг ўзи аслида бир мўъжиза. Демак, инсон инсондек бўлиб яшашлиги, умр гузаронлигида ҳайрли ва савоб

Бизнинг мусоҳаба

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрўга эга Ўзбекистон Фан ва таълим соҳасида ҳам дунёга юз тутмоқда. Бугунги кунда хорижий давлатларда таҳсил олаётган ёшларимиз билим ва иқтидори, интеллектуал салоҳияти билан жаҳон талаба ёшлари сафидан ўз ўрнини топди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи-сифат босқичи жараёни тизимда катта ўзгаришларга имконият яратди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини Каромат Мастонов билан мусоҳабамиз шу хусусда бўлди.

—Каромат Ҳидоятович, икки йил илгари институт Буюк Британиянинг Гринвич университети, Голландиянинг Ларенстейн Халқаро аграр коллежи билан Тасис Темпус лойиҳаси асосида ҳамкорликда ишлаётганидан хабаримиз бор.

Ҳамкорликдаги фаолият қандай кетяпти, демоқчисизда? Мазкур лойиҳа "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари иқтисоди бўйича Янги таълим дастурларини тузиш", деб номланади. Лойиҳа уч йил муддатга тузилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 445370 еврога тенг. Кўриниб турибдики, фарзандларимиз камолоти, уларнинг билим олишлари учун имкониятлар кўлами кенг. Мақсад ҳам аниқ. Тизимни такомиллаштириш, янги махсус фанлар дастурларини яратиш. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш иқтисоди соҳасида интеллектуал билимли талабаларни тарбиялаш орқали бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнига маълум маънода ҳисса қўшиш. Европа ҳамжамиятининг Европа комиссияси томонидан молиялаштирилган мазкур лойиҳа Гринвич университетининг табиий ресурслар институти ва Ларенстейн халқаро аграр коллежининг шу йўналишдаги тажрибасига таянади. Бизнинг талабалар лойиҳада кўрсатилган талабларни амалга ошириб, билим ва малакаларини тўла ўзлаштиришга муваффақ бўлишди. Бу институтимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари иқтисоди йўналишида бакалаврлар тайёрлаш имкониятини яратади.

—Қандай фанлар билан дастурлар қайта кўриб чиқилиб такомиллаштирилиши режалаштирилган?

—Бухгалтерия, жаҳон қишлоқ хўжалик иқтисоди, макроиқтисод, микроиқтисод, маркетинг, менежмент каби 7 та фан бўйича дастурлар жаҳон олий таълим тизими андозалари даражасида такомиллаштирилади. Бундан ташқари, 10 та фан бўйича Янги дастурлар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

—2002 йил март ойида лойиҳанинг биринчи йили тугаши муносабати билан тақдимот ўтказилган эди. Шу ҳақдаги мулоҳазаларингизни ўртоқлашсангиз.

—Ўтган давр институтимиз илмий ҳаётида қоларса, профессор-ўқитувчиларимиз фаолиятида янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни бўлди. 46 нафар профессор-ўқитувчиларимиз Буюк Британия ва Голландияда бўлиб, малакаларини ошириб қайтдилар.

Лойиҳа бўйича 91000 евро миқдорида ўқув услубий жиҳозлар харид қилинди. Энди гап ишончли оқлашда. Компьютерлар билан замонавий жиҳозланган 2 та аудиотортиядан талабалар фойдаланишмоқда. Узлуксиз интернет хизмати таъминоти жорий этилгани ҳам институтимиз талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг дунёга чиқишларида қўл келмоқда. Ҳамкорларимиз ҳомийлигида ўқув даргоҳида мини босмахона, ризогриф ва унга қўшимча бир нечта босмахона ускуналари олинди.

—Лойиҳа асосида ўрганилаётган Янги педагогик технология ўқув жараёнида жорий этилаётган бўлса керак?

—Албатта. Бу яқинда ўтказилган "Бизнес ва бошқарув соҳаси учун кадрлар тайёрлашда фан таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси" мавзусида бўлиб ўтган семинарда яққол кўзга ташланди. Мазкур семинарни ҳеч иккиланмай жаҳон миқёсидаги халқаро илмий анжуман даражасидаги тадбир бўлди, дейиш жоиз.

Гринвич университети профессорлари Гедеон Онума ва Кристофер Рок, Нидерландиялик Арнольд Ван Вуфтен Палте ва Роберт Варменховен Германиянинг Берлин техника университети профессори Рольф Ханич, Россиядан келган профессор Юрий Блинов каби ўнлаб хориждаги нуфузли билим даргоҳларининг иқтидорли олимларини институтимиз ҳақида айтган илиқ фикрлари бизни яна изланиш ва ташаббусга чорлади.

Келажаги буюк мамлакатимизнинг истиқболи бугун янгилик яратиш иштиёқида ёниб яшаётган илмли ёшларга боғлиқ эканлигини дилдан ҳис қилдик.

Суҳбатдош: Моҳира ШАКАРОВА.

Шинамгина хонага кириб келганлар бу ердаги имкониятлардан мамнун бўлишади. Соҳа ходимларининг илиқ муомаласи эса уларнинг кайфиятини янада кўтариб юборади. Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Гулистон мавзеида жойлашган хусусий нотариус Зулайҳо Иброҳимовага қарашли нотариал идорада мижозлар ўзлари доим дуч келадиган бу шароитларни ёқтириб қолишган. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги ишлари тушди дегунча бу ерга ошиқишади. Шунга монанд хусусий нотариус Зулайҳо Иброҳимова ва нотариал идоранинг бошқа ходимлари келиб кетувчиларнинг қимматли вақтларини беҳуда олмасликка, уларга амалдаги қонунларга мувофиқ тез ва соз хизмат кўрсатишга интилишади ва албатта бунинг уддасидан чиқадилар.

Суратда: хусусий нотариус Зулайҳо Иброҳимова компьютерчи Дилноза Саидалиева билан мижозларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришга ҳозирламоқда.

• Ҳар тўғрида

ҲАВО СОТГАН ТАДБИРКОРЛАР

Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллигини нишонлаш кунларида Петербургдаги кафеларда ғаройиб консерва банкалари пайдо бўлди.

Улардаги ёзувни ўқиган киши ҳайратдан ёқа ушлаши мумкин. Сабаби банкаларда рус ва инглиз тилларида "Санкт-Петербург ҳавоси. 1703-2003" деб ёзиб қўйилганди.

Ҳаридорлар сотувчилардан бу нима деб сўраганларида у: "Петербургнинг Нева проспектидан 15 фоиз, ёзги боғдан 50 фоиз, Петродворецдан 2 фоиз олинган ҳавоси" деб жавоб беришади.

Тадбиркорларнинг "ушбу маҳсулоти"ларини асосан байрам тантаналарида қатнашган хорижлик меҳмонлар харид қилишди.

ВАФОДОРЛИК УЧУН ҲАЙКАЛ

Эгаси бу итга қандай ном берганлигини ҳеч ким билмайди. Аммо Тольятти шаҳри аҳолиси уни "вафодор" деб аташди ва ҳайкал қўйишди.

Гап шундаки, бир овчарканинг эгалари катта йўлда автоҳалокатга учраб ҳалок бўлишди. Уларни шифохонага олиб кетишаётганини ит шу ерда кўрган. Шу сабабли у узоқ вақт туну-кун эгаларини кутиб йўл ёқасида сувсиз овқатсиз, соғинчдан ҳалок бўлган.

ЖИНОЯТЧИНИ "ЭЛЕКТРОН БУРУН" ТУТАДИ

АҚШда жиноятчиларни улар жиноят қилган жойларида қолдирган ҳиди орқали тутишмоқда. Гап шундаки, мутахассисларнинг фикрига қараганда инсон бирор жойда бўлганида ундан тараладиган ҳид ҳавода бир неча муддат қолар экан. Изқуварлар агар махсус приборлар ёрдамида ўша жой текширилса, ҳидларни сақлаб қолиш мумкин ва шунга мувофиқ кейинчалик жиноятчини ушлаш имкони бор, деб айтишяпти.

Чунки, Америка Қўшма Штатларида ҳозир шундай аппарат яратилган. Унинг ёрдамида ҳатто икки йилгача турли ҳидларни сақлаб туриш мумкин. Гумон қилинган жиноятчига у кейинчалик тўғриланса унинг қачон, қаерда қонунбузарликка қўл урганини "айтиб беради".

ДУНЁ ГЎЗАЛИ

Тахминан 150 мамлакатнинг 600 миллиондан зиёд аҳолиси Панамада бўлиб ўтган "Дунё гўзали-2003" танловининг финал босқичини кўрди-

лар.

Танловда 71 мамлакатдан ташриф буюрган энг чиройли жононлар қатнашишди. Голиблик эса, Доминикана Республикаси вакласи Амелия Вегага насиб этди. Унга анъанага кўра гўзаллик тожини ўтган йили шундай танлов голибаси—панамалик дилбар қиз Джастин Пасек кийдирди.

ЮРАК ВА ВИАГРА

Маълумки "Виагра" деган дори ҳозир эркаклик қувватини оширувчи восита сифатида кенг эътироф этилган.

Аммо шифокорларнинг фикрига кўра бундай дори ва препаратларни ўзи билганича истеъмол қилиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки ҳар бир инсон ўзига хос мураккаб механизм ҳисобланади. Шу туфайли ҳам у ёки бу дори одамларга турлича таъсир этади.

Масалан, ўша "Виагра"-ни оладиган бўлсак, бу дори гипертония касалликларига йўлиққан, қонида онкологик касалликлар бўлган, юраги хаста кишиларга ёмон таъсири этиши мумкин экан.

ҲАММАСИ БИЛИМГА БОҒЛИҚ

Ўғлим бу йил 9 синфни тамомлаяпти. У ўқишни Тошкент Юридик лицейида давом эттирмоқчи. Ушбу лицей ҳақида маълумот олишни истар эдик...

Ҳайринисо МЎМИНОВА, Тошкент шаҳри.

Газетхоннинг мазкур саволига Тошкен Давлат юридик институти қошидаги академик лицейнинг рахбари, юридик фанлари номзоди Холмурод НАЗАРОВ жавоб беради:

–Энг аввало билим юртимизнинг аниқ номини эслатиб ўтмоқчи эдим. У "Юридик лицейи" деб эмас, балки Тошкент Давлат юридик институти қошидаги Академик лицей деб аталади. Лицейга 1999 йили асос солинган бўлиб, ўтган йили унинг биринчи "қалдирғочлари" парвоз қилдилар.

Лицейимиз ўз олдига фақат Тошкент Давлат юридик институти учунгина талабалар тайёрлаб бериш вазифасини қўйган эмас. Унинг, таъбир жоиз бўлса қўлами, яъни таъсир доираси хийла кенгроқ. Академик лицей битирувчилари ижтимоий-гуманитар фанлар блокига кирувчи она тили, адабиёт, тарих, чет тилидан имтиҳонлар белгиланган барча ўқув юртларига кира оладилар. Бундан ташқари, билим юртида хорижий филология (немис, инглиз, француз тиллари), шунингдек аниқ фанлар (математика, физика ва ҳ.к) бўйича ҳам сабоқлар берилади.

Ўтган йилги битирувчиларимизнинг 17 нафари Тошкент Давлат юридик институтига қабул қилинди. Бу институтга кириш баллари жуда юқори эканлигини айтиб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак. Жами 180 йигит-қиз лицейни тамомлаган бўлса, улардан 118 нафари олий ўқув юртиларининг талабалари бўлишди. Улар ҳозир Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факультети, Самарқандда, Наманганда, шунингдек, бошқа бир қатор вилоятлар университетларининг юридик факультетларида, ҳамда бошқа университет ва институтларда ўз ўқишларини давом эттираётирлар. Битирувчиларимиздан бир неча нафари республика Ички ишлар вазирлиги Академияси, махсус хизмат олий ўқув юрти ва бошқа олий ўқув юртларининг ҳам талабалари бўлишди.

Бу йил лицейга 100 нафар ўқувчи қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Биз нафақат Тошкент шаҳридан, балки республикамизнинг барча худудларидан иқтидорли ўқувчиларни қабул қиламиз. Газетхонларни қабул қилиш шартлари қизиқтириши турган гап. Агар бир ўринга иккитадан ортиқ ўқувчи даъвогар бўлса, унда тест синовлари жорий этилади. Мабодо даъвогарлар сони кам бўлса, унда фақат суҳбат ўтказилади. Тест синовлари ўрта мактаб дастури асосида тузилган бўлиб, барча академик лицейлар учун бир хил: яъни, она тили ва адабиёти, тарих, хорижий тил, математика, физика, биология фанларидан тушган саволлар бўйича ўтказилади ва йигит-қизлар унинг натижаларига кўра лицейга қабул қилинадилар. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олимпиадалари ғолиблари ҳеч қандай синовсиз ва танловсиз ўқишга қабул қилинади.

Барча академик лицейлар учун бир хил тест синовларининг белгиланиши эса ўқувчилар учун зарур бўлган ҳолларда бир академик лицейдан иккинчи академик лицейга ҳеч қандай тўсиқсиз ўтиш имконини беради.

Ота-оналарга эса очиқ кўнгилдан "марҳамат, фарзандингизни бизга олиб келинг. Мабодо билими-иқтидори тўғри келса, уни бағримизга олиб таълим берамиз" деймиз.

ИТАЛИЯ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида мазкур мамлакатнинг мустақиллик кунига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.

- Ўзбекистон билан ҳар томонлама манфаатли алоқаларимиз давом этиб келмоқда, - деди Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анджело Персиани.- 1996 йилнинг июн ойида Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ўзаро муносабатларимиз ана шу тарихий ҳужжат доирасида янада мустаҳкамланди. Бугунги байрамни ўзбекистонликлар биз билан бирга нишонлашаётганликлари ҳам дўстона ҳамкорликнинг яққол далилидир.

А. Персианининг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг Италия давлати билан алоқалари бугун бошлангани йўқ. Мамлакатимизда ташкил этилган қалдирғоч қўшма корхона "Совпластитал" Италия билан нафақат маданий соҳаларда, балки иқтисодиёт тармоғидаги ҳамкорлик меваси ҳисобланади. Италиянинг бетакрор санъат ва маданияти дунёни ўзига мафтун этиб келган. Байрам кечасида йиғилганлар маданият соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланиб бораётганлигини эътироф этишди.

- Эстрада сўзи Италиядан келиб чиққан, - деди Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов. – Бу йил мамлакатимизда "Италия ва Ўзбекистон" жаз фестивали бўлиб ўтади. Фестивал жорий йилнинг октябр ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозирда мазкур фестивалга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Шундай яшар одатда одам

ЭЛ АРДОҚЛАГАН АЁЛ

Ҳалол меҳнат қилган киши ҳамиша эл ардоғида бўлади... Ундайларнинг номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Шаҳрибону Убайдуллаева ҳам ана шундай эл ардоқлаган, эъзозлаган аёллардан биридир. У ўттиз уч йилдан бери Каттақўрғондаги 7-сон тергов ҳибсхонасида хизмат қилиб келмоқда.

Шаҳрибону дастлабки меҳнат фаолиятини оддий ходимликдан бошлади. Меҳнат жараёнида тартиб-интизомга риоя қилиши, белгиланган, хизматини аъло даражада бажариши, жамоат ишларида фаол иштирок этиши туфайли ташкилот раҳбарияти ва жамоасининг олқишига сазовар бўлди.

1998 йилда уни касаба ташкилоти қўмитаси раислигига сайлашди. Шаҳрибону Убайдуллаева касаба ташкилоти раиси сифатида жамоа ўртасида, меҳнат интизомини назорат қилиш, ўзининг хизмат бурчига садоқатли бўлган ҳалол ва фидокор кишиларни рағбатлантириш, байрам кунлари тадбирларини ички хизмат ходимларининг оила-аъзолари билан нишонлаш кечаларини ўтказишда жонбозлик кўрсатиб келаяпти. Ички хизматда узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган, айни пайтда нафақага чиққан меҳнат фахрийлари Шаҳрибону Убайдуллаеванинг эътиборидан четда қолмаётир. У "Наврўз", "Мустақиллик" кунлари ва касб байрамларида фахрийларни касаба ташкилоти фаоллари билан бирга йўқлаб туради.

Баъзан ҳибсхонадаги маҳбуслар билан тарбиявий суҳбатлар олиб бораётган пайтлари ҳам бўлади...

Ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмайди,— дейди у,— баъзилар ўзлари сезмаган ҳолда қинғир ишга қўл уришади. Жазога тортилганидан сўнг қилмишидан пушаймон ейишади. Ўттиз уч йиллик хизмат фаолиятим давомида жуда кўп кишиларни адашиб, кейин тўғри йўлини топиб олганларининг гувоҳи бўлганман. Ҳар гал улар билан суҳбатлашиб қолсам келажаги буюк она юртимизда ҳалол меҳнат қилган киши сира доғда қолмаслиги, қинғир ишларга қўл уриб, ёмон йўлга киришдан кўра, эл-юртга ҳалол хизмат қилиб ҳаловат билан яшамоқ хусусида айтаман. Жазосини ўтаб, уйига қайтганларнинг кўпчилиги хатосини тушуниб, жойларда ҳалол хизмат қилишяпти. Зотан жамоамизнинг асл мақсади ҳам адашганларга тўғри йўл кўрсатиш, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи учун ўзининг муносиб меҳнати билан ҳисса қўшишга чорлашдир.

Дарвоқе, бир воқеа Шаҳрибонунинг хаёлидан сира кетмайди. Ҳибсхонага йигира ёшли бир йигитни келтиришди. У ўгай онасига пичоқ кўтарибди. Буни эшитган Шаҳрибонунинг қалби ларзага келди, онага қўл кўтарган йигитчага нисбатан нафрати қўзғади. Ахир ўгай бўлса ҳам она-ку... Айтишларича, ўша ўгай она йигитчанинг укасини мактабдан кеч келгани учун роса калтаклабди, сўмкасидаги китоб-дафтарларини бурдалаб йиртиб ташлабди, қуракда турмайдиган сўзлар билан болани ҳақорат қилибди. Ўгай она қўлида изтироб чеккан укасининг бундай аҳволини кўрган ҳалиги йигитча ўгай онани жароҳатлаган.

Шаҳрибону воқеани батафсил эшитиб, ўша ўгай онага ҳам қаҳри келди. Негаки, ўгайлик ўзининг ҳаётида ҳам ўтган. Бу воқеага роса ўттиз йил бўлди. Турмуш ўртоғи автоҳалокатга учраб оламдан кўз юмди. Шаҳрибону икки ёш гўдак билан бева қолди. Эрининг йилидан сўнг унинг ўғлларига совчилар кела бошлади. Турмушга чиқишга розилик бермади.

Бахриддин деган шифокор йигитдан келган совчилар Шаҳрибонунинг онасига бўлажак куёвнинг ҳам турмуш ўртоғи вафот этиб икки фарзанди борлиги, уларга меҳрибон аёл кераклиги, куёв Шаҳрибонуни фарзандларига ҳам ғамхўрлик қилишлиги ҳақида тушунтиришди. Шаҳрибону Бахриддинга турмушга чиқди. Бир йўла тўрт фарзанднинг онаси бўлди. Бахриддиннинг болаларини бағрига босди. Ўзининг фарзандлари қатори уларни оқ ювиб, оқ таради. Фарзандлар ҳам онанинг меҳрибонлиги, ширин сўзлигидан ўгайликни сезишмади. Унга ўз оналаридек меҳр қўйдилар.

—Баъзан турмуш ташвишларига тўқнашиб қолгудай бўлсак Шаҳрибону опадан маслаҳат оламиз,— дейишади у билан бирга ишлаётганлар.

—Ҳа, Шаҳрибону Убайдуллаева ростдан ҳам катта ҳаёт тажрибасига эга аёллар тоифасидан. У ишда ҳам, уй-рўзғор юмушларида ҳам, маҳаллада жамоа ишларида ҳам фаол. Камтарлик, фидокорлик, эл-юрт иши учун жонкўярлик унинг қалб кўрига сингиб қолган. Шунинг учун ҳам унинг номини каттаюкичик ҳурмат билан тилга олишади.

Асқар ЖАЛИЛОВ, "Адолат" мухбири.

Ўзбек пазандачилиги тарихидан

ПАЛОВ

Жаҳон пазандачилиги тарихида ўзбеклар ўзларининг машҳур паловлари билан алоҳида ажралиб турадилар, ҳалқимиз ўйига келган меҳмонни паловсиз кузатиб қолмайди. Шунингдек, тўй-маъракалар паловсиз ўтмайди. Аммо, нега "палов" деймиз, бу ҳалигача аниқ эмас. Бировлар қозонга ёғ солиб, доғлаш қиёмига етганида пиёз ва гўшт ташлангани-да "паағ!" деган овоз чиқишига қараб "Пағлов" десалар, бошқалар "Буғлов" сўзидан келиб чиққан, дейдилар. Қисқаси, паловимиз чорвадорларнинг дарё қирғоқлари яқинларида ўтироқлашувидан шоли экиш авж олиб, гуручни димлашдан пайдо бўлгани аниқ. Тарихга назар ташласак, паловнинг пайдо бўлганига уч минг йилдан ортиқ вақт ўтган, унинг ҳозиргача қиркдан ошиқ тури яратилган.

Энди наҳорги палов, яъни, наҳор оши масаласига келсак, бу удумнинг ҳалқ орасида кенг оммалашувига ҳам анча йил бўлган. Кўпчиликка маълумки, пойтахтимиз Тошкент, Сирдарё, Жиззах шаҳарлари ҳамда Фарғона водийсида тўйлар, байрамлар, ҳайит ва бошқа хил маросимлар наҳорда эл-юртга ош тортишдан бошланади. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм каби вилоятларда эса наҳор оши тортиш удум бўлмаган. Хўш, нега бундай?

Ватанимиз тарихидан биламизки, милоддан аввалги 329 йилда Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) минг-минглаб лашкарлари билан Хўжанддан Сирдарё орқали қайиқларда сузиб келиб, Буюк Ипак Йўлининг дарё кечигига, ҳозирги Оққўрғон тумани яқинидаги Султон Сегизбоев номли ширкат хўжалигининг дарё қирғоғига лашкарғоҳ қурдиради. Бу лашкаргоҳ Сирдарёнинг чап қирғоғида эди. Дарёнинг ўнг томони эса, қадимги Қанглар мамлакатининг пойтахти Қангқо (ҳозирги "Қонқа" ширкат хўжалиги ҳудудидаги қадимий хароба-вайрона) эди. Бу шаҳар бундан икки ярим минг йиллар илгари Буюк Ипак Йўли савдо карвонларини солларда Сирдарё, Оҳангарон, Чирчиқ дарёларидан ўтказиб қўйиш бож-ҳирожи эвазига жуда бойиб, гуллаб-яшнаганди. Шу боис араблар бу шаҳарни Ҳирожкент деб ҳам атаганлар. Бундан 328-329 йиллар илгари оламгир Искандар Зулқарнайн мамлакат ҳукмрони Қонқа оғасига элчи юборибди, "Лашкарларимга эрта тонгда кучли қувватга эга бўлган таом тайёрлайдиган пазандаларингиздан юборсангиз" деган мазмундаги мактубни йўллаганди. Шундан кейин Қонқа оғаси буйруғига биноан бир неча ошпазлар улкан қозонлар билан бирга керакли масаллиқ-озуқаларни олишиб, лашкаргоҳга келадилар. Улар тун бўйи қўл бола паловни тайёрлашиб, эрта тонгда лашкарларга тарқатганлар, лашкарлар эса, паловнинг кучи билан кечгача овқатланишмай керакли жойларга борибқ, кечга яқин қайтиб келаверганлар. Бундай ўта кучли таомдан татиб кўрган оламгир Искандар Зулқарнайннинг ўзи қўли ширин пазандаларга қойил қолиб, улар яшайдиган Қонқа шаҳрини кўришга қарор қилади. Қонқа оғаси оламгир ва унинг сухбатдошларига шаҳар ва унинг атрофидаги работ-қишлоқларнинг боғ-роғларигача кўрсатади. Ажойиб шаҳар ва унинг атрофидаги гўзал боғ-бўстонларни ҳайрат билан тамоша қилган оламгир: "Сирдарё қирғоғи яқинида бир шаҳар кўрдим, худди Антиохиянинг ўзгинаси экан!" деган.

Кўҳна тарихдан аёнки, Александриянинг Искандар вафотигача бўлган номи "Антиохия"дир. Мана шу ўзбеклар Антиохияси—Ҳирожкент ошпазлари дамлаган улкан қозонлардаги паловлар Искандар лашкарлари кетганидан кейин эса, Қонқа шаҳрида бўладиган тўю-маъракаларда дамланиб эрта тонгда-наҳорда кишиларга тортиш аста-секин одат тусини олади. Кейинчалик бу одат эски Тошкент (ҳозирги "Пахта" қишлоғи)гача етиб келади. Шу-шу наҳор оши Фарғона водийсининг ҳамма ёғига, Тошкент-Шошгача удум бўлади. Бироқ, ҳозирги наҳор ошимиз замонлар ўтиши билан ўзгарган. Илгари унга фақат қўй гўшти, қўй ёғи, сабзи-пиёз ишлатилган бўлса, эндиликда нўхат ҳамда турли хил зираворлар билан бирга қази ва қарта, думбалар, гоҳида эса беҳилар ҳам қўшилади. Паловимизнинг қиркдан ортиқ ҳар хил турлари пайдо бўлган...

Кўрдингизми, қарийб икки ярим минг йилдан ошиқ даврдан бери наҳорги паловимиз машҳур пазандаларимиз томонидан меҳр билан дамланиб, элимизга эрта тонгда тортилади. Ҳатто, "Наврўз", "Мустақиллик" байрамларимизда ҳам наҳорги ошни кишиларга тортиш ҳозирги кунимиз анъаналарига айланмоқда.

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ.

Мулоҳаза учун мавзу

"ЎЗБЕКЧИЛИК"

Кўча-куйда, ишда, бозорда умуман ҳаётда бир иборани кўп эшитамиз. Унга парво қилмасдан ўзимиз ҳам бир неча бор ишлатамиз.

Бир сўз билан айтиладиган бу иборани ҳар ким ўзича ҳар хил таърифлашади: Бу сўз билан ўзимизни ўзимиз кўкларга кўтариб улуғлаймиз. Ўзимизнинг ножўя ишларимизни ҳам шу биргина ибора билан тушунтириб қўяқоламиз. Буни ишлатишимиз мобайнида қора қилмишларимиз гўёки оқлангандай туюлади.

Мана шундай турли-туман фазилатларга эга бўлган сирли сўз бу—"Ўзбекчилик"дир. Бу иборани эшитишингиз билан Ўзбекнинг бағрикенглиги, сахийлиги, меҳмондўстлиги, болажонлиги, меҳнатсеварлиги ва ҳоказо жиҳатлари кўз олдингизда намоён бўлади. Шундай ҳавас қилса арзигулик ижобий жиҳатларни таърифламоқчи, тушунтирмоқчи бўлсак, бир сўз билан "ўзбекчилик" деб қўяколамиз. Шу биргина сўз бутун миллатнинг табиатини белгилайди. Гўё шу иборада бизнинг бутун юриш-туришимиз, муомаламиз, яшаш тарзимиз акс этгандай...

"Хўш нима бўпти?, буни ҳамма билади-ку"— дейишингиз мумкин.

Бу сўз замиридаги маъно юқоридаги фикрлар билан кифояланиб қолмайди.

Ҳаётда бу ибора бошқа маъноларда ҳам ишлатилади-ки, шулар ҳақида айтиб ўтмай иложимиз йўқ. Хусусан, айримлар ўзларининг салбий жиҳатларини ҳам "ўзбекчилик" ибораси билан ҳаспўшламоқчи бўлади. Мисол учун:"ортиқча асъ-аса-ю дабдабалар билан тўй қилган одамга "шунча исроф-гарчилик шартмиди?" десангиз, "ҳа, энди ўзбекчилик-да" деб қўяколади. Еки ҳаклигини билатуриб, ўзини ҳимоя қилмаган кишига "нега тўғри сўзни айтмадинг?" дейилса, "ўзбекчиликда, дўстим, каттага гап қайтариш маъқул эмас", дейди. Энди ўзингиз айтинг, шу ва шу каби салбий инсоннинг ожизлигини, бефарқлигини кўрсатувчи жиҳатлар қачондан бери "ўзбекчилик" бўлиб қолди?

Ачинарлиси шундаки, порахўрлик, маҳаллийчилик, буйруқбозлик ва шу каби иллатларни миллат номи билан аташ ҳоллари ҳам учраб туради. Ахир бу иллатларни биз кашф қилмаганмиз-ку! Ўзининг шонли тарихи ва бугунги шижоати билан жаҳонни лол қолдираётган ўзбекка бу таърифлар умуман ярашмайди.

Ўзбекчилик! Нақадар чиройли ва ёқимли сўз. Чиндан ҳам бу ибора халқимизнинг фақат ижобий хусусиятларини ифодалашга ярашади. Шу боис сўзнинг ўзида бизнинг барча фазилатларимиз жамулжам. Шу сабабли айрим юртдошларимизга қарата шуни айтмоқчимизки, ўзингизнинг айрим салбий жиҳатларингизни бутун миллат шаънига чапламанг. Агар бу иллатни ўзингизда сезсангиз қутулишга ҳаракат қилинг. Шундагина "ўзбекчилик"нинг ҳақиқий маъносини англаб етамиз. Шундагина бу миллат ибораси асл моҳияти билан намоён бўлади.

Шерали ОТАБОЕВ.

ИТАЛИЯ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида мазкур мамлакатнинг мустақиллик кунига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.

- Ўзбекистон билан ҳар томонлама манфаатли алоқаларимиз давом этиб келмоқда, - деди Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анджело Персиани.- 1996 йилнинг июн ойида Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ўзаро муносабатларимиз ана шу тарихий ҳужжат доирасида янада мустаҳкамланди. Бугунги байрамни ўзбекистонликлар биз билан бирга нишонлашаётганликлари ҳам дўстона ҳамкорликнинг яққол далилидир.

А. Персианининг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг Италия давлати билан алоқалари бугун бошлангани йўқ. Мамлакатимизда ташкил этилган қалдирғоч қўшма корхона "Совпластитал" Италия билан нафақат маданий соҳаларда, балки иқтисодиёт тармоғидаги ҳамкорлик меваси ҳисобланади. Италиянинг бетакрор санъат ва маданияти дунёни ўзига мафтун этиб келган. Байрам кечасида йиғилганлар маданият соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланиб бораётганлигини эътироф этишди.

- Эстрада сўзи Италиядан келиб чиққан, - деди Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов. – Бу йил мамлакатимизда "Италия ва Ўзбекистон" жаз фестивали бўлиб ўтади. Фестивал жорий йилнинг октябр ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозирда мазкур фестивалга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи)
Т. О. ДАМИНОВ, А. F. ГУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. Р. ҲАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б. ТОШЕВ, Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ, Н. НУРМАТОВ, Д. F. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-53-14.
Бухгалтерия — 136-55-64.
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 450, Адади 2333 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОКОВ | Навбатчи— Зафар КАЛОНОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—20.00.

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. ‡ Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.

Босишга топширилди 21.30.